Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 1 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 39 (6736)

Даъват

Агар ақл ва донишинг бўла туриб, ҳунарсиз бўлсанг, донишинг суврат ва ҳайбатсиз бир бадан ёки мевасиз дарахт кабидир.

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

Ибрат

Элликқалъа тумани марказидаги «Шодлик» болалар боғчасида этнография музейи ташкил этилди. Ҳозир музейда узоқ ўтмишимизга оид сопол, мис буюмларни, уй жиҳозларини ва 150 дан ортиқ этнографик ашёларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон — Ватаним маним

ЧИМЁНДА ЯНГРАГАН ҚУШИҚЛАР

«Узбекистон — Ватаним маним» танлови доирасида «Чимён-96» муаллиф қўшиқлари халқаро фестивали бўлиб ўтди.

Беллашув бир неча босқичда ўтди. Фестивалнинг 50 нафардан ортиқ иштирокчиси Тошкент, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Москва, Қозон ва бошқа шаҳарлардан келган, шу сабабли қўшиқлар мавзуси ҳам хилма-хил эди: ватанпарварлик, муҳаббат, ҳаёт мазмунини излаш ва ёшларга хос ҳазил қўшиқлар янгради. Фестиваль ғолиблари «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида бўладиган якунловчи концертга таклиф этилди.

Имтиҳон

КОМПЬЮТЕРНИНГ «ЖИЯНИ» — АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИ





Инсоният тарихининг XX асрига келиб Кўк гумбазли айвон ичида ажабтовур кашфиётлар пайдо бўла бошлади. Бу инсон нақадар мукаммал яратилганлигининг муайян қирраларини очиб берди. XX асрнинг улкан ютуғи инсон ўзидан-да мукаммалроқ сунъий фикрлайдиган «темир одамча»лар бино этди. Унга исм ҳам қўйди— Компьютер.

Бугунги кунга келиб компьютер кундалик ҳаётимизга шаҳдам қадамлар билан кириб бораяпти. Дастлаб олий ўқув юртларида талабалар билан тил топишган махсус «одамча»лар, бугун боғчаларда болаларга, ўрта мактаб ўқувчиларига ҳам ақл ўргата бошлади. Айни шу кунларда эса шаҳар мактаблари ўқувчилари компьютер ёрдамида имтиҳон топширишяпти.

Хусусан, Юнусобод туманидаги 253-лицей мактабининг битирувчи синф ўқувчилари ҳам асримизнинг мазкур илғор фикрлар маҳсули ёрдамида давлат имтиҳонларини топширишмоқда.

— Мана биз рус тили фанидан компьютер ёрдамида ўқувчиларимиздан имтиҳон олдик. Бу биз учун янгилик. Назаримда дастлабки натижалар ёмон эмас. Ўқувчиларимизнинг энг кам балл тўплаганлари 66, юқориси эса 94 балл бўлди. Бу дегани имтиҳондан «3» баҳо олган ўқувчи йўқ, — деди мактаб раҳбари Шоира Мамадалиева.

Шоира опанинг гапларини тинглаб ўйланиб қолдим. Бундан чиқди, компьютерда имтиҳон топшириш осон экан-да. Мана, ҳамма ўқувчилар «4», «5» баҳо олишибди-ку!

— Тўғрисини айтсам, компьютерда имтиҳон топширишда ҳам билимдонлик асқотар экан. Имтиҳонда 50 та савол берилди, 50 та жавоб ҳам ёзиб қўйилган. Қийин томони шундаки, жавоблар бирбирига жуда-жуда ўхшаб кетади. Сиз эса ичидан тўғрисини топишингиз керак. Бу эса билимдонликни талаб қилади, — дейди имтиҳонда юқори балл олган лицей ўқувчиси Наргиза Расулова.

Дарҳақиқат, осон нон ҳеч қаерда йўқ. Компьютерга ҳам тўғри жавоб берсангиз бир «нарса» оласиз. Худди ўша сиз компьютерга берадиган «нарса» эса китоб билан қаламда бор. Жуда қизиқ. Биз қанчалик мукаммал техника яратмайлик барибир ўқиш, ёзиш, изланиш деган қадим-қадимги ақидалар исканжасидан чиқиб кетолмаймиз.

Алишер НАЗАРОВ.

Суратларда: 1. Имтиҳондан лавҳа. 2. Синовдан аъло ўтган битирувчи Ирода Одилова.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Кавказорти мамлакатлари — Озарбайжон ва Грузияга қилган уч кунлик расмий ташрифи муваффақиятли бўлди. Иккала давлат Президентлари билан бўлган ўзаро мулоқотларда барча соҳалар бўйича тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилиб, тегишли расмий ҳужжатлар имзоланди.

⊛ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бош директори Арпад Богш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мазкур ташкилотнинг олий мукофоти — Олтин медаль ва гувоҳномасини топширди.

⊛ 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент Ассамблеяси Президенти Франк Свален раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Шу куниёқ мамлакатимиз Президенти ГФР ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкелни ҳам қабул қилди.

⊛ Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасига Халқаро олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч махсус «Мерседес-Бенц» автомобилини совға сифатида берди. ХОҚ махсус вакили Томас Бах бу совғани топширар экан, ўзбек спортчиларининг эришаётган ютуқлари бундай қарорга келишимизга сабабчи бўлди, дея таъкидлади.

⊛ 27 май куни Россия Президенти Борис Ельцин ҳамда Чеченистон сепаратистлари бошлиғи Зелимхон Яндарбиев ўртасида Чеченистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги келишув имзоланди. Россия билан Чеченистоннинг кейинги муносабатлари қандай бўлиши яқинда кутилаётган иккала мамлакат ҳукуматларининг махсус комиссияси консультацияларидан кейинги аҳдлашувларга боғлиқ.

⊛ Ҳиндистондаги сайловлардан сўнг Бхарата джаната партияси ташкил этган Вазирлар Маҳкамаси бор-йўғи 13 кун фаолият кўрсатди. Ўзларига ишончсизликни сезган бош вазир Атал Бехари Ваджпаи ва кўпчилик депутатлар истеъфога чиқаришини сўраб президентга илтимос қилишган. Давлат бошлиғи ҳукуматни ташкил этиш ҳуқуқини берган Бирлашган фронтнинг сўл марказчилари етакчиси Х. Д. Деве Говд эса ҳинд тилини уч ой ичида урганиб оламан, деб ишонтирмоқда. У шу пайтгача каннад ва тамил тилларида сўзлашиб келган экан.

⊛ Франция Президенти Жак Ширак армиянинг профессионаллашганлиги боис, мамлакатда мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилиш тўғрисида баёнот берди. Мазкур қонун лойиҳаси сентябрь—октябрь ойларида Миллий кенгаш муҳокамасига жўнатилади.

Экология ва саломатлик

МЕҲР КЎП КЎРГИЗУНГ!

Бизни қуршаган олам — кўксимизни тўлдирган ҳаво, бирни тикса, ўнни қайтаргувчи тупроқ, руҳимизни ва жисмимизни поклаб турган сув, биз учун борлиғини бахшида этгувчи дов-дарахтлару ўтўланлар — бизни бағрига олган шул табиат бизга ҳадсиз меҳрлар кўрсатади ва унинг биздан илинжи ҳам, бир қатра бўлса-да, меҳрдир...

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги олдидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг ташаббуси ва республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан мамлакатимизда 1-10 июнь кунлари «Экология ва саломатлик ўн кунлиги» ўтказиладиган бўлди. Шунга биноан Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳам тадбирлар режаси тузилиб, жойларга жўнатилди. Режа фақатгина ўн кун эмас, йил давомида, доимий бажариб бориш лозим бўлган ишларни қамраб олгани билан қувончлидир. Унга кўра барча таълим муассасаларида орасталик ва озодаликка оид тадбирлар ўтказилиши, «Табиатсеварлар» клуби ва бурчаклари ташкил этилиши, «Табиат: кеча, бугун, эртага» кўрик-танловлари, илмий-амалий анжуманлари ўтказилиши лозим. Шунингдек, «Оламни асранг», «Табиат — менинг тақдирим», «Тоза сув», «Тоза ҳаво», «Жониворлар ва қушлар менинг дўстларим», «Орол менинг дардим», «Экилгани эмас, ўсгани ҳисоб» сингари мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар, баҳс ва мунозаралар ўтказиш, табиат бағрига саёҳатлар уюштириш, «Гуллар», «Қушлар», «Табиат эҳсони» байрамларини ўтказиш ҳам режанинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Ишончимиз комилки, халқнинг фидойи вакиллари бўлмиш маорифчиларимиз ушбу тадбирда фаол қатнашадилар ва ҳамиша ёш авлод қалбида табиатга нисбатан меҳр ҳиссини тарбиялашга ҳаракат қиладилар. Зеро, бизнинг тан сиҳатлигимиз, ҳаловатимиз, хушнуд кайфиятимиз боиси аввало табиатдандир. «Меҳр кўп кўргиздим» дейди аллома шоиримиз. Илло, бизнинг айтаримиз шул: табиат қадр этганни қадрлайди, у ҳеч қачон яхшиликни унутмайди. Бас, шундай экан, табиатга муҳаббатли бўлинг, азиз замондош, меҳр кўп кўргузинг!

Икром ИСКАНДАР.

ЖАҲОНГА БЎЙЛАШГАН МАКТАБЛАР

Халқ таълими вазирлиги ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида «Бирлашган мактаблар дастури»га аъзо бўлган мактабларга сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Сертификатларни Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг масъул котиби А. Икромов, шунингдек, унинг аъзолари А. Орипов, Э. Воҳидов, Б. Қориева, А. Жўраеов, Л. Кабиров ва бошқалар иштирок этишди.

Маросим аввалида халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев мактабларни юксак ишончга сазовор бўлганликлари билан табриклаб, улар зиммасига катта масъулият юклатилганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, мазкур мактаблар нуфузли ташкилотнинг мамлакатимиздаги кўприги бўлиб қолажагини уқтирди.

Избоскан туманидаги 12-мактаб, Бухоро шаҳридаги 8-мактаб, Навоий шаҳридаги 4-гимназия, Қибрай туманидаги 25-мактаб, Чирчиқ шаҳридаги 12-мактаб, Янгийўл шаҳридаги 12-мактаб, Мирзаобод туманидаги 21-мактаб, Тошкент шаҳридаги 12,29,51,91-мактаблар ҳамда шаҳардаги 309-лицей, шу билан бирга ижтимоий йўналишдаги республика гимназияси аъзолик сертирификатларини қабул қилиб олишди.

Миллий комиссия масъул котиби А. Икромов ЮНЕСКО, жумладан, «Бирлашган Мактаблар Дастури» фаолияти билан иштирокчиларни таништириб ўтди.

Маросим якунида Янгийўл шаҳридаги 12-мактаб директори Н. Сиддиқова юксак ишонч учун барчанинг номидан миннатдорчилик билдирди.

Тоҳир САЛИМОВ.

ЎҚУВ РЕЖАСИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идороларароо кенгашининг шу йил 16 мартдаги «Узбекистон Республикаси иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори ва Халқ таълими вазирлигининг шу йил 29 апрелдаги «Халқ таълими муассасаларида иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига асосан, умумтаълим мактабларининг I—XI синфлари учун таянч ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи туғилди. Шунга кўра, 1996 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим мактабларининг I—XI синфлари учун 1996-97 ўқув йили ва 2000 йилгача мўлжалланган тест ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» буйруғи чиқди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси зиммасига ўқув режасига ўзгартиришлар киритилиши билан боғлиқ вазифалар юкланди.

2-бетга қаранг!

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

«БОҒИМДА ГУЛЛАР ЧАМАН...»

Шунақа қўшиқ бор, табиат, гуллар, болалик ҳақида. Мусиқаси шеърга шу қадар ҳамоҳангки, эшитганингиз сайин вужудингизга аллақандай сармастлик оқиб киргандек бўлади. Мана, ўша мисралар:

Боғимда гуллар чаман,
Мен гулларни қучаман.
Завқ-ла очиб қулочим,
Яйраб қушдек учаман!

Болаликни ким соғинмайди? Инсон умрининг бетакрор лаҳзалари... Табиат, дунё, ер, осмон, сув, ҳаво, хуллас, ҳамма-ҳамма нарса гўзал кўрингувчи бу даврни болажонларимиз ҳам вақти келиб қўмсайдилар. Ҳозирча, улар бола. Бири уйда, бири боғчада, яна бирлари мактабу бошқа таълим даргоҳларини тўлдириб, болаликнинг қўшиғини куйлаяптилар.

Дарвоқе, фикримиз болаликнинг гўзал ҳислар билан кечишини таъминлаётган боғча ҳақида эди. Яна мақтовми, деб энсангиз қотди. Аммо энсангиз қотмай қўя қолсин. Бу ерда юзлаб боғчалардан фарқлироқ ҳолатни кўрдик.

Гуллар, дарахтлар, иссиқхона. Еру осмон ўртасида мутаносиб манзара. Ўйин майдончалари, йўлакчалар, ўриндиқлар — бари-бари табиатга ошуфталикнинг қандайдир белгиларини ўзида мужассам этган. Масалан, ўйин майдончаларидаги улкан сурат-манзаралар кишини ўзига маҳлиё этади. Йўлакчаларга тош терилган бўлиб, бу тошлар чиройли рангда. Боғча майдонида беҳи, олма, ўрик, шафтоли, тут, хуллас, мевали дарахтларнинг тур-туридан бор. Ва уларнинг нечанчи йилда ўтказилгани тахтачага битиб қўйилибди. Ҳовлининг ўртаси гулзор, атрофлари эса бир-бирига чирмашган яшил тўсиқлар... Гладиолуснинг гулбарглари майин шабадада оҳиста тебраняпти, япроқлари қуёш нурида шойидек товланиб турибди. Гулзорда худди оҳанрабо бору, кишини ўзига тортаверади. Бу ерда соатлаб хаёл суриб ўтирса ҳам зерикмайди киши. Табиатни, борлиқни севиб қолади. Атрофда эса болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари.

Фитобар, яъни шифобахш гиёҳлардан тайёрланган турли хил дамламалар, истеъмол қилинадиган хонага чоғроққина тўртта кресло қўйилган. Графинларда

(Давоми 4-бетда)

ТЕСТ ЎҒРИЛАРИ

Тошкент шаҳар суди томонидан 1994-1995 йилларда олий ўқув юртларига синов тестларини ўғирлаб, жавобларини белгилаб, абитуриентларга пора эвазига тарқатган жиноятчилар гуруҳи «фаолияти» фош этилди

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда жиддий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, таълим-тарбия борасидаги ислоҳотлар олий ўқув юртлари қабулида тартиб ўрнатиш, чинакам истеъдодларни кашф этиш имконини бермоқда. Тўрт йилдирки, кириш имтиҳонлари тест усулида ўтказилади.

Мустақил давлатимизнинг келажаги ва равнақи билимдон, малакали ёшлар қўлида. Тестдан асосий мақсад — улар орасидан билимлиларини танлаб, олий ўқув юртларига қабул қилиш ва чин маънода тарбиялашдир. Тест усули замон силсиласида синалган, синовлардан ўтган усулдир. Қатор ривожланган мамлакатлар ҳақиқий кадрларни танлаш ва тарбиялашда айнан шу усулга таянади.

Тестнинг жорий этилишини халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Уни изчил қўллаш ҳукумат сиёсати даражасига етди. Зеро, жамият тараққиётини ҳақиқий билим эгалари, юксак малакали мутахассисларгина таъминлайдилар.

Тест усули — тўғри йўл. Лекин биз кечаги куннинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқара олганимизча йўқ, ҳали. Илми йўқ, дипломи борлар аввалари ардоқда эди. Энди-чи... Энди жамиятга сохта дипломлилар эмас, ҳақиқий билим эгалари керак. Минг таассуфки, жамиятимизда носоғлом фикрли, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган кишилар ҳали ҳам бор. Утган тўрт йил ичида улар «тест балоси»дан қутулишга, уни ҳам қўзбўямачиликка бўйсундиришга йўл изладилар. Улар собиқ совет тузуми даврида етуклик аттестати, кейин олий маълумотини тасдиқловчи диплом олган, даста-даста китоблардан таълим ўрганган, оқибатда расмиятчилик, қаллоблик, порахўрлик каби жирканч иллатлардан бино бўлган деворга боши урилиб, руҳан мажруҳ бўлиб қолган шахслардир. Улар миллат ҳақида қайғуриш ҳиссидан бегона. Енгил-елпи ҳаёт кечириш, мол-дунё тўплаш ва шахсий манфаат йўлида ҳар қандай ишга тайёр турадилар. Керак бўлса виждонини, Ватанини сотадилар.

Тестни «есть» қилишга, тестдек мустаҳкам «Хитой девори»нинг тагидан кавлаб ёки устидан сакраб ўтишга уринаётган «азамат»лар ҳам ана шулар. Агар америкалик ўзи кашф қилган мукаммал тестни четлаб ўтиш мумкинлигини кўрганида ёки улар қилаётган «кашфиёт»ни эшитганида, ҳайратдан ёқа ушлаган бўларди. Бу шубҳасиз.

Яқинда Тошкент шаҳар суди томонидан 1994-95 йилларда жадал «фаолият» кўрсатган, тестларни ўғирлаб абитуриентларга пора эвазига тарқатган, уларнинг олий ўқув юртларига ноқонуний киришини таъминлаган уюшган жиноятчилар гуруҳининг сири фош этилди. Қинғир ишнинг қийиғи тез чиқди.

СУДЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАН: 1994 йили Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг муовини бўлиб ишлаган, ғоятда масъулиятли лавозимни эгаллаган Маҳаммаджон Раҳимов ўз мансабини суиистеъмол қилиб, пора олиш мақсадида 10 кишидан иборат жиноий

(Давоми 2-бетда)

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ

Яқинда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси навбатдаги докторлик диссертация ишини кўриб чиқди ва бу ишнинг муаллифи — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти кимё кафедрасининг доценти Ҳожиқул Омоновга педагогика фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилди. Гап шундаки, «13.00.02 — кимё ўқитиш назарияси ва методикаси» ихтисослиги бўйича бундай диссертация нафақат Узбекистонда, балки Қозоғистон ва Ўрта Осиё давлатлари ҳудудида биринчи марта ҳимоя қилинди. Ўтган йили диссертант илмий жиҳатдан қиматли диссертация тарзида муваффақиятли ҳимояга олиб чиққан эди.

Ёш олимни улкан ютуқ — фан доктори дипломининг қўлга киритилиши билан чин кўнгилдан табриклаб, келгуси ишларида янги зафарлар тилаб қоламиз.

О. ЙЎЛДОШЕВ, профессор,
К. РАСУЛОВ, доцент.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ҲАНДАЛАК САЙЛИГА КЕЛИНГ!..

Шаҳрихон туманидаги М. Пирматов номли мактаб жамоаси ўтган йил баҳорда Навоий номли жамоа хўжалигидан деҳқончилик қилиш мақсадида ярим гектар ер сўраб олишганди. Улар деҳқончиликдан 10 минг сўм даромад олишди.

Бу йил эса, майдоннинг 10 сотих қисмига мактаб директори Азимжон Бекмирзаевнинг ташаббуси билан плёнка остида эртанги ҳандалак етиштирилмоқда. Насиб этса, яқин кунларда тилими тилни ёрадиган ҳандалаклар банд бераді.

ЙИГИТНИНГ ГАПИ БИТТА

Ўзбекни дунёга танитаётган энг ноёб фазилатлардан бири полвонликдир. Орасида полвонлари кўп миллатнинг эркаклари эса ҳамиша қатъиятли, тўғри сўз, ҳалол ва кучли ирода эгаси бўлишади.

Яқинда Қашқадарё воҳасининг сўлим Мироқи қишлоғида кураш бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Асосан ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтган мазкур беллашувда Д. Бозоров (40 кг), И. Исаев (55 кг), О. Хуррамов (81 кг) вазн ҳисобида ғолиб бўлишди. Улар айни кунда навбатдаги саралаш мусобақаларига жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар.

«ЙИЛ ЎҚУВЧИСИ — 96»

Каттақўрғон туманидаги 5-ўрта мактабнинг табақалаштирилган V синф ўқувчилари ўртасида қизиқарли, шу билан бирга ноанъанавий кўрик-танлов ўтказилди. Танлов шартига кўра ўқувчилар ўзларини шеърий йўл билан таништирдилар, турли фанларга доир саволларга жавоб қайтариб, бадиий ижрочилик маҳоратларини ҳам намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати эса М. Юсупова, Б. Худойқулов, Ю. Жўраеваларни энг маҳоратли ва зукко қатнашчилар сифатида тан олиб, ғолибликка муносиб топди.

Муаллифлар: Ҳ. Рустамов, С. Остонов, Н. Нарзуллаев.

МЕҲНАТНИНГ МЕВАСИ

— Эшитдингларми, Муҳаммад Азим араб тили бўйича республика олимпиадасида 90 балл тўплаб, иккинчи ўринни эгаллабди!

Бу хушхабар Қибрай ўғил болалар лицейи бўйлаб тез тарқалди. Айниқса у араб тили ўқитувчиси Абдурашид Қодир кўнглига олам-олам қувонч бахш этди. Инсон учун ўз меҳнати самарасини кўришдан ҳам ортиқ бахт борми, ахир!

Абдурашид Қоҳирадаги Ал-азҳар университетида таҳсил олиб, араб тили ва адабиёти мутахассислигини эгаллади. Уч йилдирки, Қибрай ўғил болалар лицейида араб тилидан сабоқ беради. Унинг машғулотлари ўзига хос услубда, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган кабинетда кўргазмали қуроллар асосида ўтиши, мазмунан теранлиги билан ажралиб туради. Дарсдан ташқари пайтларида ҳам ўқувчилар билан ишлашдан чарчамайди. Шунинг натижаси ўлароқ, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан 31 талабанинг билим даражаси текширилганда, улардан 11 нафари «беш», қолганлари эса «тўрт» баҳога ўқиши аниқланди.

Мустақил Ўзбекистон учун ҳар соҳада етук мутахассислар керак, — дейди Абдурашид. — Миллий қадриятлар тикланаётган, ҳаққоний тарихимиз яратилаётган ҳозирги даврда салафларимиз араб ёзувида яратган минг-минг жилд ноёб асарларни ўқиш, ўрганиш лозим бўлади. Менинг ўқувчиларим келажакда ана шу хайрли ишга муносиб ҳисса қўша олса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Биз ҳам фидойи мураббий Абдурашид Қодирнинг эзгу орзулари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг I—XI синфлари учун 1995-96 ўқув йили ва 2000 йилгача мўлжалланган ўқув режасининг Тушунтириш хатига

ҚЎШИМЧАЛАР

(ХТВнинг 1996 йил 29.05. 92-буйруғи асосида)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича Идораларо Кенгашнинг 1996 йил 16 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорини бажариш ва узлуксиз таълимни ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Ресубликаси Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 29 апрелдаги 92-рақамли буйруғи асосида барча умумтаълим мактабларининг I-XI синфларида махсус дастурлар ва дарсликлар асосида «Иқтисодий таълим асослари» фани киритилди:

— бошланғич (I—IV) синфларда «Иқтисод алифбоси», математика, алифбе ва ўқиш китоби таркибида;

— таянч (V—VIII) синфларда «Иқтисод сабоқлари» («Иқтисодга кириш») она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат фанлари таркибида алоҳида боб ва мавзулар киритиш ҳисобига ўрганилади.

— IX-X-XI синфларда «Иқтисодий билим асослари» фани сифатида ҳафтасига 1 соатдан (IX синфда «География», XI синфда «Инсон ва жамият» фанларига ажратилган соатларни 1 соатга камайтириш, X синфда «Одобнома» фанини ўрганишни давлат ихтиёридаги соатлардан мактаб компонентига ўтказиш ҳисобидан) ажратилди.

Барча умумтаълим мактабларининг (қайси тилда ўқитилишидан қатъи назар) I-XI синфлари учун 1996-1997 ўқув йили ва 2000 йилгача мўлжалланган таянч ўқув

РЕЖАСИ

ЎҚУВ ФАНЛАРИ	Синфлар бўйича ҳафталик соатлар										
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Давлат ихтиёридаги соатлар	18	22	23	23	30	32	33	34	34	36	36
Она тили ва адабиёт	8	9	10	10	9	8	6	5	5	5	5
Хорижий тил (рус тили)		2	2	2	3	3	3	3	2	2	2
Хорижий тиллар					3	3	3	3	2	2	2
Ўзбекистон тарихи					1	1	1	1	2	2	2
Умумий тарих					1	2	1	1	2	2	2
Давлат ва ҳуқуқ асослари									1		
Инсон ва жамият											1
Иқтисодий билим асослари									1	1	1
Математика	4	5	5	5	5	5	5	5	5	5	4
Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари								1	1	2	2
Физика, астрономия							2	2	3	4	5
Кимё								3	3	2	2
География						3	2	2	1	2	–
Биология						2	2	2	2	1	2
Табиёт	1	1	1	1	2						
Чизмачилик							1	1			
Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1				
Мусиқа	1	1	1	1	1	1	1	1			
Меҳнат таълими	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш										2	2
Мактаб ихтиёрига (компоненти) берилган соатлар	3	3	3	3	4	4	4	4	4	3	3
Одоб ва ахлоқ (этика) асослари											
(Одобнома)											
Араб имлосидаги (эски) ўзбек ёзуви											
Табиатни асраш ва экологик билим асослари											
Ҳуқуқшунослик											
Фанларни чуқур ўқитиш											
Факультатив ва қизиқишига кўра, ижодий камолотни ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар											
Умумий соатлар	21	25	26	26	34	36	37	38	38	39	39
Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида)					6	6	10	16		20	

Фарғона вилоятининг болалар техник марказида айни кунда кўплаб тўгаракларнинг ҳақиқий фаолиятини кузатиш мумкин.

Айниқса, қизлар орасида анъанага айланиб бораётган бичиш-тикиш тўгараги кўпроқ миллий кийимларнинг ўзига хос турларини ярата боришга ихтисослашган. Мазкур тўгаракнинг Фарғона туманилик иштирокчиси Гўзалой Муқимжонова эса яқинда бу соҳа бўйича ўтказилган вилоят конкурсида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Суратда: Марказ директори, тажрибали педагог Толибжон Орипов Гўзалойнинг тиккан ишларини кўздан кечирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ИСТИҚЛОЛ ВА ДАРСЛИК

Пойтахтимиздаги Ўқитувчилар уйида «Мактаб ва ўқув юртлари кутубхоналарининг фаолиятини янада такомиллаштириш» мавзуидаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, республика Таълим-таъминот бош бошқармаси ва республика Таълим илмий-методика маркази ташкил этди. Йиғилишда мамлакатимизнинг таниқли адиблари, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиқларининг ўқув ишлари билан шуғулланадиган ўринбосарлари, моҳир услубчи, тажрибали педагоглар иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов очди.

— Анжуман республикамиз истиқлолининг беш йиллиги арафасида ўтказилаётгани бежиз эмас, — деди нотиқ. — Зеро, истиқлол мамлакатимизда ислоҳотга кенг йўл очди. Маълумки, дарсликлар ҳар қандай жамият ва замонда ҳам ёш авлодни, фарзандларимизни илмлар оламига бошлаб кирувчи муҳим бир омил.

Ҳозирда республикамиз ўрта умумтаълим мактаблари учун етказиб берилаётган дарсликлар жуда кўплаб мутахассис-олимларнинг, зиёлилар ва ишчиларнинг, турли идора ва муассасалар ходимларининг машаққатли меҳнатлари эвазига дунёга келаяпти. Ўқув адабиётларини чоп этиш иши билан бевосита «Ўқитувчи» нашриёти шуғулланаётир. Хўш, айни кунга қадар ўқувчилар қўлига етказиб берилган дарсликлар бугунги кун талабига жавоб бера оладими? Йиғилишимизда ана шу ҳақда гап юритамиз...

Анжуманда бир қатор асосий ва қўшимча маърузалар тингланди. Республика Таълим илмий-методика маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор Х. Бобобеков «Халқ таълими тизимидаги ўқув юртларининг кутубхона жамғармаларини ўқув ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш жараёнини такомиллаштириш ҳақида»ги маърузасида ҳозирга қадар чоп этилган ўқув дастурларига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлигини таъкидлаб, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, ўлкамиз жуғрофияси, табиатшунослик, экологияга дахлдор дарсликларни Шарқ анъаналари асосида қайта кўриб чиқишни таклиф этди.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг дарсликлар бўйича назоратчиси Х. Ниёзованинг маърузаси «Мактаб кутубхоналарини марказлаштириш — кутубхоначи меҳнатини ташкил этишнинг такомиллашган шакли» мавзуига бағишланди.

Шунингдек, семинар-кенгашда Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон, «Чўлпон» нашриёти директори, ёзувчи Нурали Қобул, «Камалак» нашриёти бош директори, шоир Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

ТЕСТ ЎҒРИЛАРИ

(Боши 1-бетда).

гуруҳ тузади ва уюшган жиноятчилар гуруҳи тест саволларини ўғирлаб, абитуриентлардан катта миқдорда пул олиб, уларнинг олий ўқув юртларига ноқонуний қабул қилинишига йўл очиб беради. Булар — С. Ҳусаинов, Ф. Мирзаев, Қ. Турғунов, А. Парпиев, Ш. Отабеков, Т. Рамилова, В. Рамилов, И. Галовина, В. Фалеевалардир.

М. Раҳимовнинг виждони жигилдонга айланиб, даврнинг келди сур бегим, қабилида иш тутади. Унинг режаси шундай эди: тестни ўғирлаш, тўғри жавобни топиш, кейин эса жавобларни катта пул эвазига олий ўқув юртига кириш учун ҳар қандай қинғир ишга тайёр турган мижозларга тарқатиш.

Бугун унга пора берган абитуриент эртага дипломли бўлиб бирор курсини эгаллагач, бошқа бировлардан пора талаб қилмаслигига ким кафолат беради? Олий ўқув юртига кириш учун пора беришга тайёр турган, ҳали 17-18 ёшда бўла туриб ёлғончилик йўлига ўтган, ўзини ва давлатни алдаётган бу успиринлардан келажакда кимлар етишиб чиқади. Ҳали муайян бир маслакка эга бўлмаган бу манқуртлар эрта бир кун жамиятга қандай наф келтириши мумкин: айниқса, бозор муносабатларига ўтилаётган, барча ишлаб чиқариш соҳалари илмий асосда қурилаётган бизнинг даврда?!

Яна улар давлат ҳисобидан текинга ўқиб, уқмай дипломли бўлишмоқчи. Давлатнинг ҳамёни қулф-калитсиз, деб ўйлашади, шекилли.

Яна М. Раҳимовнинг «ижодий фаолияти»га қайтсак. У ўзининг жиноий иш режасини амалга ошириш учун, аввало ўз хизматдоши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг биринчи тоифали мутахассиси А. Парпиев билан ҳамтовоқ бўлиш йўлини изларди. Оғиз-бурун ўпишиб, унга ўзининг «хазина»га йўл очадиган режасини тушунтирди. А. Парпиевга бу жиноий режа мойдек ёқиб тушди. Қарасаки, ҳамма иш хамирдан қил суғургандай осон битадиган. Ер чопиб, қўли қавармайди, йўл юриб товони зирқирамайди. Аммо чўнтагига жарақ-жарақ доллар тушаверади.

М. Раҳимовнинг кейинги қадами порани ўз вақтида олиб ўтириш учун шароит туғдириш бўлди. У бунинг учун А. Парпиевни Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси Ш. Отабеков билан таништирди. Уларга абитуриентларнинг олий ўқув юртига киришини таъминлайдиган тест жавобларини талабаликка номзодларга ва уларнинг ота-оналарига тарқатиб, бевосита пора олиш билан шуғулланишлари лозимлигини уқтирди.

А. Парпиев ҳам ишнинг ўзини биладиганлардан экан. У тест маркази томонидан ишлаб чиқилган тестлар брошюра шаклида кўп нусхада босиш учун Тошкент картография фабрикасига берилганидан хабардор бўлган ва ушбу фабрикага хизмат юзасидан киришга ҳақли эди. Устамон фабрикада брошюралар участкаси бошлиғи Т. Равилова билан танишади. Унга ҳам пул топишнинг осон йўлини ургатади. Режадан гап очади. Уни Тошкент автомобиль йўллари институти ўқитувчиси Қ. Турғунов билан таништирди. Улар катта пул эвазига фабрикадан тестларни ўғирлаб чиқишга рози бўладилар. Ишлар доимий назорат остида бўлганлиги учун Т. Равилова буюртма бажарилаётган пайтда фабрикадан ташқарига чиқолмасди. Шунинг учун ҳам у ўз эри бўлмиш В. Равилов билан жиноий тил бириктирди. Иш осон кўчсин учун фабрика ишчиларидан И. Галовина ва В. Фалееваларни ҳам жиноий ишга тортди. Улар ҳам пул деса томдан ташлайдиган хилидан чиқиб қолишди. Катта миқдордаги пулнинг дарагини эшитгач, фабрикадан тестларни ўғирлаб чиқиб В. Равиловга беришди. Иш осон кўчди. Улар «бир сўзли» эканликларини исботладилар. В. Равилов ўғирланган тест варақаларини йўлини қилиб, Қ. Турғуновга оширди.

1994 йил июнь ойининг охирларида В. Равилов Қ. Турғуновга она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили бўйича институтга кириш тестларини «а» ва «б» вариантларда бир нусхадан етказиб берди. Бунинг эвазига у 5000 доллар «мукофот» олди. Унинг 1500 долларини хизматлари учун В. Фалеевага беради. Қолган 3500 долларни ўзи ва хотинининг улуши сифатида олиб қолди. Фалеева эса 1500 долларни хизматдоши И. Галовина билан тенг арра қилди.

Қ. Турғунов эса институтга кириш имтиҳонларида абитуриентларга тарқатиладиган тест саволларига аниқ жавоб топиш, унинг магзини чақиш учун билимдон мактаб ўқитувчиларини ва билим юртлари домлаларини излашга киришди. Аниқ жавобларни топишда кўмаклашадиган холис хизматчилар тезда топила қолди. Жавоблар белгилангач, «хазинанинг калити»ни, яъни тест жавобларини Тошкент автомобиль йўллари институти катта ўқитувчиси Ф. Мирзаевга етказди. 1994 йили июль ойида Турғунов қилган «меҳнати» учун 10.250 АҚШ долларини ҳаменига урди. Лекин, инсофсизлик қилмади-да, унинг 3750 долларини А. Парпиевга, 5000 долларини В. Равиловга узатди. 1500 долларни эса ўзига олиб қолди. Мирзаев ушбу 10.250 долларни тест жавобларига харидор бўлган шахслардан ундириб олганди. 1994 йили ушбу ўғирланган тестлар ёрдамида Х. Бердиев деган шахс ҳам Тошкент ҳуқуқшунослик олийгоҳининг кечки бўлимига ўқишга кирганди. Бунинг эвазига у Ф. Мирзаевга 5000 доллар ваъда қилади. Лекин ўзида бунча миқдорда маблағ бўлмаганлиги боис Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 5-квартал, 24-уйдаги 10-номерли ўз квартирасининг ҳужжатларини пора сифатида унга гаровга беради. Мирзаевнинг турар жойи тинтув қилинганда ушбу ҳужжатлар унинг уйидан топилган.

Худди ўша йили июль ойининг охирида тест жавоблари ҳозирда Тошкент молия институтининг сиртқи бўлими иккинчи курс талабаси И. Абдукаримовга ҳам берилган эди. Бу тестни Турғунов Ш. Отабековга, Отабеков эса ўз навбатида 8000 АҚШ доллари эвазига «бечора» абитуриент И. Абдукаримовга оширганди. Бундан А. Парпиев ўз улуши бўлмиш 5000 долларни белига боғлади. 1994 йили Парпиев Отабековдан 5000 доллар, Турғуновдан 3750 доллар олгач, унинг 5500 долларини М. Раҳимовга пора сифатида берган. Қолган қисмини ўз ҳаменига урган.

1995 йили М. Раҳимов бошқа ишга утказилиб, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Яъни эгарланган отдан тушди. Шундан сўнг у ўйиндан чиқди, уюшган жиноятчилар гуруҳига бош бўлмади, улуш ҳам олмади.

Аммо Раҳимов ташкил этган жиноятчилар гуруҳи ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини тўхтатмадилар. Имкон бўлди дегунча пора бериб, эркатой болаларини олий ўқув юртларига киритиб қўйишни бурчим, деб билган бойваччаларнинг эшакларини суғориб, пулини олавердилар. Энди катта лавозимда ишламаса-да, жиноятчилар гуруҳига бошчилик қилишни Парпиев ўз зиммасига олганди. У Отабеков, Мирзаев, Ҳусаиновлар орқали абитуриентлардан қайсидир мансабдор шахсга берилади, деб пора олишда давом этди. Эмишки, уларнинг талаба бўлишлари ана шу мансабдор шахсга боғлиқ. Улар эса М. Раҳимовнинг мансаб курсисидан айрилганини эшитмаган эдилар.

Жиноят жиноятни тўғдиравераді. Катта, ширин луқмага ўрганган жиноятчилар гуруҳи ора йўлда тўхташни ўзларига ор, деб билдилар. 1995 йили қабул мавсумида ҳам С. Ҳусаинов, Ф. Мирзаев ва Ш. Отабековлар Т. Равилов, В. Равилова, И. Галовина, В. Фалеева, А. Парпиев, Қ. Турғуновлар фабрикадан ўғирланган ва жавобларини аниқлаб берган тестларни абитуриентларга тарқатиб, уларнинг ҳожатини чиқарганликлари учун «хизмат ҳақи» олдилар.

Шундай қилиб, 1995 йил июль ойи охирида ҳам В. Равилов фабрикадан тестларни ўғирлаб бергани учун Қ. Турғуновдан 15 минг АҚШ долларини санаб олди. Галовина ва Фалеевага 2000 долларини садақа қилди. 13 минг долларни хотини ва ўзининг хизмати эвазига олиб қолди. Улар қўлга тушгач, ана шунча миқдордаги АҚШ доллари милиция ходимлари томонидан мусодара қилинди.

Турғунов ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Тест жавоблари тайёр бўлгач, уларни Мирзаев ва Отабековга етказиб берди ва Мирзаевдан 20 минг доллар «иш ҳақи» олди. Парпиевдан эса 10 минг доллар «совга» ундирди. У 30 минг долларнинг 15 минггини Равиловга берди, қолган 15 минггини ўз ҳаменига қолдирди. 15 минг доллар кейинчалик милиция ходимлари томонидан мусодара қилинди.

Отабеков ҳам шу йили жиноий усул билан катта даромад қилди. Парпиевнинг ундирган ҳаром пуллари ҳам салмоқлигина.

Ушбу жиноий гуруҳнинг олди-бердисини санайверишга қалам ожизлик қилади. Ибтидонинг интиҳоси бор. 1995 йил 1 августда Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ходимлари кўрган шошилинч тадбирлар натижасида улардан бир гуруҳи Беруний кўчасидаги 5-уй, 30-квартирада кейинги жиноий режани амалга ошириш учун йиғилганларида қўлга олинди. Тестлар ана шу жойдан шаҳарнинг бошқа манзилларидаги абитуриентларга тарқатиб юборилиши керак эди. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Адолат тарозисининг мувозанатини бузишга урингандар доим панд еганлар. Шундай қилиб жиноий гуруҳ аъзолари ижро этган қоронғи парда ортидаги «спектакл» ниҳоясига етказилди. Улар бу «спектакл»ни икки йил давомида уч гуруҳга бўлиниб, ижро этдилар. Т. Равилова, В. Равилов, И. Галовина, В. Фалеевалар гуруҳи тестларни фабрикадан ўғирлаб чиқиш билан шуғулланди. Шунинг эвазига пора олишди. Иккинчи гуруҳ — Қ. Турғунов, Ф. Мирзаев, Ш. Отабековлар абитуриентларга ўғирланган, жавоби топилган тестларни етказиб бериб, пора олиш билан машғул бўлишди. Уларнинг олий ўқув юртига киришларига 90-100 фоиз кафолат ҳам беришди. С. Ҳусаинов, Мирзаев ва Отабековлар ҳам абитуриентларнинг ота-оналари билан алоқа урнатиб, тайёр тестларнинг жавобларини пора эвазига тарқатдилар. Жиноий гуруҳ ташкилотчилари бўлмиш М. Раҳимов ва А. Парпиевлар эса порадан ўз улушларини ажратиб олардилар.

Тошкент шаҳар суди жиноятчилар «ижро этган», уларнинг бузуқ маънавий қиёфасини намоён этган «спектакл»га нуқта қўйди. Ҳар ким қилган жиноятига яраша жазо олди. Жиноий гуруҳ аъзолари узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Ойбек РАҲИМОВ.
(«Халқ сўзи» газетасидан олинди).

Маорифимиз фидойилари

СЎҚМОҚЛАР БЎЙЛАБ

Аслида тирикликнинг ўтаётган ҳар бир дақиқасига мақсад дея аталувчи мезон жило беради. Қолаверса, инсон моҳияти унинг олдига қўйган мақсадларида ёрқин акс этади, деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Ҳаётда аниқ бир мақсади бўлмаган инсон эса гўё сувда қалқиб юрган хасдек. Қудратли ҳаёт уммони бўлса уларни ўзининг истаган оқимига элтиб ташлайверади.

Ёшлигидаги қатъий интилишлари, қизиқишлари сабаб Махмуд ака Жўраев 1960 йилда Бухоро давлат педагогика олийгоҳи табиатшунослик факультетининг химия-биология ихтисослигини тугатди. Ва ўз қишлоғидаги ҳозирги Сулаймон Муродов номли мактабда химия-биология фанидан сабоқ бера бошлади. У пайтларда халқ маорифи тизимидаги шарт-шароитлар ҳам кўнгилдагидек эмас эди. Масалан, химия фани бўйича шу туманда нафақат тажриба учун керакли асбоб-ускуна, химиявий моддалар, ҳаттоки мутахассислар етишмас эди. Тиниб-тинчимас, изланувчан Маҳмуд ака ана шундай мураккаб шароитда ҳам имконият топишга ҳаракат қилди. Ўтаётган дарслари жонли чиқиши учун тумандаги дорихона, қишлоқ хўжалиги муассасаларига бориб, керакли химиявий моддалар, асбоб-ускуналар олиб келарди. Болаларни ўз фанига қизиқтириб, маҳаллий шароитдан ҳам ўзига керакли ашёларни йиғди. Ҳаттоки у эски кумуш тангалар, тақинчоқларни олиб келиб, улардан ўқув қуроллари тайёрлади.

1980-86 йиллар давомида Маҳмуд ака ўзи ишлаётган мактабга директорлик қилди. Туман мактабларида ҳам химия фанини ривожлантириш ва малакали мутахассислар етиштириб чиқаришга алоҳида эътибор қаратган Маҳмуд ака бу фан устида доим тинмай ишлар, унинг ўқувчиларга ўнғай янги қирраларини топишга ҳаракат қилади. Шу боис у 1980 йилдан бошлаб илмга ташна, иқтидорли болаларни яккама-якка тартибда олий ўқув юртларига тайёрлай бошлади. Дастлабки пайтданоқ, бу тажриба ўз самарасини бериб, йилига 10-12 нафар шогирди олийгоҳларга кирди. Қизиғи шундаки, Маҳмуд ака ҳар ёзги меҳнат таътилини бутунлай шогирдларига бағишларди. Ҳатто ўзи тайёрлаган абитуриентларни олийгоҳларга олиб келиб, ҳужжат топширтирар ва бунинг натижасини билмагунча ҳеч қаерга жилмас эди. Маҳмуд ака ўз фарзандидай бўлиб қолган шогирдлари тақдирига асло бефарқ қаролмайди.

1990 йилдан бошлаб Маҳмуд аканинг ташаббуси билан туманда химия-биология фанига ихтисослаштирилган махсус интернат фаолият кўрсата бошлади. Интернатга даставвал тумандаги билимга чанқоқ, қизиқувчан ёшлардан 18 нафари саралаб олинди. Битирувчилардан 9 киши ўз ихтисослиги бўйича олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Фақат 4 нафар ўқувчининггина омади юришмади. Туман марказида фаолият кўрсатаётган бу интернат мактабга бошқа мактаблардан ҳам тингловчилар келишиб, домладан сабоқ олишарди. Болалар руҳиятини яхши тушуниб, улардаги интилиш, қизиқишни аниқ бир йўналишга сола оладиган Маҳмуд ака интернат болаларига ҳам, «бегона» ўқувчиларга ҳақ ҳеч эринмасдан бирдай собоқ берарди. Кунига гоҳо 35-40 дан зиёд бола билан ишлаб, кечгача ҳам қолиб кетаверарди. Маҳмуд аканинг кўнгли очиқлиги, самимийлигидан фойдаланган баъзи шогирдлари ҳатто уни уйида ҳам тинч қўймай, «таъқиб» қилишарди.

М. Жўраев 1986-94 йиллар давомида туман халқ таълими бўлими бошлиғининг муовини сифатида фаолият кўрсатди. У 1988 йилда «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 мартдаги 793-сонли фармонига асосан эса 11 даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди. Бу узоқ йиллик меҳнатларнинг самараси эди бу.

Гарчи оиладаги рўзғор ташвишлари асосан хотини Малика опага тушса-да, у фарзандлар тарбиясида, камолотида ахлоқий мезонни қатъий назорат қилиб туради. Маҳмуд аканинг 6 қиз ва 2 ўғли бўлиб, шулардан 4 нафари олий маълумотли, учтаси олийгоҳларда таҳсил олмоқда. Кенжа қизи эса ўқувчи. Айни пайтда у ширидан-шакар невараларнинг бобоси.

Кўзлари, чеҳраси, юраги фақат самимиятдан сўзлаб турган бу инсоннинг илм-маърифатга йўғрилган сермазмун умри янада узоқ бўлишини тилаб қоламиз. Зеро, илму маърифат сўқмоғи бўйлаб одим ташлаш бу боқийликка ундаб турмасмикан?

Алижон САФАРОВ.

Олий ўқув юртларида

ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ МУТАХАССИСЛАР

Ёш авлодни ижодий-амалий меҳнатга тайёрлаш, уларнинг политехник тафаккурини ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш халқ таълимининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифа ҳукуматимизнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастурида ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ҳукуматимизга жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган стратегик йўлини амалга ошириш учун жуда катта масъулиятни сезадиган, корхона ва бирлашмалар учун чинакам билими билан ажралиб турадиган, ташаббускор, одамлар билан ишлашни уддалайдиган малакали мутахассислар зарур. Бундай мутахассисларни тайёрлашда ёшларга умумий таълим беришдан ташқари, уларни кенг политехник тафаккур асосида унумли меҳнатга ҳам жалб этадиган олий ўқув юртлари етакчи ўрин тутмоғи лозим.

Талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган вазифаларни бажаришда педагогика институтлари индустриал (умумий техника таълими ва меҳнат) факультетлари жамоаларининг амалий-ижодий фаолиятини кучайтириш зарур бўлади. Бу факультетда тайёрланаётган мутахассислар юқори даражали ривожланган техника намунаси сифатидаги у ёки бу техник моделни ясашда ҳозирги замон ишлаб чиқаришига хос конструкторлик, технологик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг асосларини билишлари керак.

Бизнинг А. Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти индустриал-педагогика факультети жамоаси ҳам масъулиятли вазифаларни тўлиқ ҳис қилган ҳолда фаолиятга янгича ёндашиб, бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, замонавий корхоналарда ишчи меҳнатининг мазмуни технологик жараёнларни идрок қила билиш ва мураккаб техник масалаларга ижодий ёндашиб еча билиш каби хусусиятларни талаб қилмоқда. Фан ва техника тараққиёти талабларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замонавий ишчи юқори даражадаги устакорлик, янги техника ва технологияни бошқара билиш хусусиятига эга бўлмоғи керак.

Жамоамиз юқорида қайд этилган талабларни эътиборга олган ҳолда техника фанлари ва меҳнат ўқитувчиларини, шунингдек, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни йўлга қўйди.

Айниқса, 1995 — 96 ўқув йилидан бошлаб профессор ўқитувчиларимиз республикамиз тараққиётини эътиборга олиб, меҳнат ва информатика, физика ва информатика мутахассисликлари бўйича ёшларга таълим-тарбия бериш сифатини оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Мақсад бугунги талабани фан ва техниканинг илғор ютуқлари, ҳозирги замон конструкторлари ва технологияларининг тажрибалари, замонавий компьютерлар билан қуроллантиришдир.

«Ҳозирги замон ишчиси — бу янги қиёфадаги ишлаб чиқариш ходими, ишчи бунёдкор, конструктор-яратувчи фаолиятининг фаол вакилидир. Унинг ишлаб чиқариш фаолияти жисмоний ва ақлий меҳнат билан, кенг политехник тасаввур билан узвий боғлиқдир. Бугуннинг ишчиси инженер даражасида фикрлайдиган, барча ишларнинг сифатли ва унумдорлигини кўтариш учун курашадиган яратувчи рационализатордир», — деган талабларга жавоб берадиган мутахассис тайёрлашни факультетимиз жамоаси мутахассислик тавсияномасига қўшган ҳолда иш олиб бормоқда. Зотан, биз тайёрлайдиган мутахассислар ҳозирги замон бозор муносабатларига ўтиш даврида меҳнат таълими, умумий техника фанлари, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчилари бўлиб ишлайдилар. Улар ўз жойларида ижтимоий фойдали меҳнат, ижтимоий унумли меҳнатни қийналмай ташкиллаштирувчилар бўлади ва бу йўл билан қўшимча ишчи ўринлари ташкил қила олади. Шунингдек, замонавий техниканинг кишилар кунлик фаолиятига кириб боришини таъминлайди.

Янги ўқув йилидан бошлаб бу соҳада қиладиган янги ишларимизни ҳам ҳозирданоқ режалаштириб олдик. Жумладан таълим-тарбия жараёнини жамоамиз ўқитувчилари иқтисодий-ўқитувчи, касб таълими, физика,информатика, чизмачилик каби йўналишлар бўйича олиб борадилар. Ўйлаймизки, амалга ошираётган ва оширадиган эзгу ишларимиз келажакда ўз самарасини беради.

Холбўта ТЎРАҚУЛОВ,
Жиззах давлат педагогика институтининг индустриал-педагогика факультети декани, тарих фанлари номзоди, доцент.
Саъдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
шу институт умумий-техника фанлари кафедраси мудири, техника фанлари номзоди.

ТАДБИРКОРЛАР

Пахтаобод шаҳридаги 3-мактаб ёнида бўш ётган ер бу йил 20 минг сўм фойда келтиради. Ўқувчилар қарийб ярим гектар келадиган майдонга пиёз экиб, парвариш қилишмоқда.

Бундан ташқари баҳорда 500 туп терак ниҳоли ва яна шунча мевали дарахт кўчати ўтқазилди. Мевалар мактаб ошхонасига берилади, терак ёғочларидан эса устахонада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Шунингдек, мактабда новвойхона ва пойабзал тузатиш устахонаси муттасил ишлаб турибди. Улардан тушаётган фойда турли тадбирлар ўтказиш, истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш ҳамда камҳарж оилалардаги болаларга совғалар сотиб олиш учун сарфланади.

Таҳлил

ТАЪРИХ ЖАНРИНИНГ МОҲИЯТИ

Ўқитувчиларга ёрдам

Таъриҳ маълум шахснинг туғилиши ёки ўлими, бирор ҳодиса-воқеанинг бўлиб ўтган вақтини (тарихини) шеър ичида турли шаклларда ифода этувчи шеърий парчадир. Таъриҳда маълум бир шоирнинг, адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида кенг маълумот берилмаса-да, ҳар ҳолда шоирнинг сифатлари қайд қилинади.

Агар XX аср шеъриятимиз тажрибаларига эътибор берсак, барча поэтик жанрлар қатори таъриҳ жанри ҳам кескин ички структура ўзгаришларини бошдан кечирганлигини кузатиш мумкин. Шоирларнинг тафаккури, ижодий позицияси ғоят теран ва кенг намоён бўлиш имконияти юзага келди. Санъаткорнинг у ёки бу муҳим воқеа-ҳодисага, буюк шахсларнинг таваллуди ё вафотига муносабати орқали фалсафий нуқтаи назарини, ғоявий-бадиий мақсадини ифодалаш биринчи планга ўтди. Мазкур ижодий эркинлик, яъни абжад усули «тушовлари»дан халос бўлган бадиий тафаккурни шоирнинг истеъдод даражаси ва саъжияси қўламига, ҳадларига мос миқёсларда парвозга отлантирди.

Бунинг амалий тасдиғи сифатида XX аср бошларида яратилган таъриҳ намуналари табиатидаги ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. Чўлпоннинг «Маорифпарвар бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспиринский ҳазратлари ҳақинда таъзияномамиз», «Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси», «Кетдунг» (марҳум Раҳматулло Султоновга), «Улуғ йўловчига» (Абдураҳмон Муфтизода руҳига), «Шарқ нури» (Мулланур Воҳидов руҳига), «Жаволаш» (бир ўлимнинг изи) сингари ўнлаб марсияларини, «Табиатга» (Саидалихоновга бағишлаб), «Наврўз кунида», «Кетганингда» (Клиупатрага), «Алданиш», «Эркин сигналга» каби бағишловларини, «Халқ», «Шарқ қизи», «Бузилган ўлкага», «Амалнинг ўлими» сингари монологларини, Ҳамзанинг «Йиғла, Туркистон», «Миллат деганларнинг оқар кўз ёши», «Паст эканму иқболимиз мунча», «Ўт олгин, Туркистон», «Яшанглар, яшайлик, Турон» каби монолог шеърларини таъкидлаш жоиз.

Янги шакл ва мазмундаги таъриҳ жанрининг шаклланиши, таркиб топиши ва ривожланиши умумадабий жараёнда реалистик тасвир принципларининг қарор топиши билан боғлиқ кечди. Шу маънода, Чўлпоннинг «Шарқ нури» шеърига мурожаат этиш мумкин. Шеър 20-йилларда Муҳаммад Саид тахаллуси билан ижод қилган мутафаккир Мулланур Воҳидов руҳига бағишланган. Шеър мумтоз адабиётимизда шаклланган ва анъана тусини олган таъриҳ жанри намуналаридан кескин фарқ қилади.

Бир замонлар ер юзинда
ўз бошли,
Улуғ, шонли маданият
туғдирган
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ
сўнг замон
Бўлди четлар панжасида кўз
ёшли...
Унинг бундай қизғанчли ҳолига
Ҳар кимдан кўп қон йиғлаган
сен эдинг.
Уни эзган йиртқич қўлли
маъзунга
Сен улуғ ёв, сен мужассам кин
эдинг.

Шеърда Мулланур Воҳидов вафотининг санаси абжад усулида келтирилмайди. Унда, асосан, шоирнинг буюк мутафаккир руҳига мурожаати, у умрини тиккан ва шаҳид кетган улуғ эрк ғояларининг тарғиби, Шарқ эл-ларини ҳур-озод кўриш истаги, аччиқ армонлари билан йўғрилган. Шу боисдан ҳам шоирнинг воқеликка эстетик муносабати биринчи планда туради. Хусусан, Мулланур Воҳидов вафоти муносабати билан миллат эрки, Ватан озодлиги, халқнинг мустамлака исканжасидан халос бўлиши билан боғлиқ ватанпарварлик туйғуларини, ижтимоий-сиёсий эътиқодини ифодалаётир.

Чўлпоннинг «Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси», «Кетганингда» шеърларида ўкинч, қайғу, алам туйғулари кучли, тўлқини шиддаткор. Фаол гражданлик ўйлари кўнгил қатимларига ширингандек туюлади. Шоирнинг лирик қаҳрамони («Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси») ўзини «гул ўрнига заҳар тилар муҳитда», «Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида» дейди. Истибдод, таъқиб, таҳқир шу қадар кучлики, у «аччиқ ҳиддати-ла оқ каллалик қора девни сўкмакка» ўзини ожиз сезади. Шу боисдан ҳам аччиқ алам билан шундай дейди:

Азиз отам, қўлимдаги
гулларнинг
Мотам гули эканлигин
билмайсан.
Шодлик гули кўпдан бери
сўлмагин,
Ер остида пок руҳинг-ла
сезмайсан.

«Кетганингда» шеърида лирик қаҳрамон ишқ-муҳаббат кечинмаларини ифодалаш билан бирга ботиний коллизиялар ва психологик иккиланишлар замирида кучли зиддият учқунлари яширинган.

Инсонликка саодатнинг
бирдан-бир
Тўғри йўлни кўрсаткучи
Марксди:
Бироқ Шарққа қутулишнинг
йўлини
Кўрсаткучи улуғ доҳий сен
эдинг.
Сендек киши Шарқ элига
тансиқли...

Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларим-ла?
Ҳижроннинг куйини бошлаб,
Йиғловчи чолғуларим-ла?
Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўғри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвнингми бағрига тушди?

Лирик қаҳрамон гўзал Клиупатранинг зоҳирий ва ботиний гўзаллигини, кўрки-малоҳатини таъриф-тавсиф этишни мақсад қилиб қўймайди. Йўқ, ҳаёлида шаклланган ва Клиупатра сиймосида мужассамланган гўзаллик тимсоли — ҳаёт гўзаллигини назарда тутаётир. Лирик қаҳрамонни ўз қайғулари билан ёлғиз қолдирган Клиупатра эмас, асло. У ҳижрон куйини айтиб йиғлоқи қайғуларига таяниб қолганлиги ҳам бежиз эмас. У эркин ҳаёт гўзаллигидан, ҳурфикрликдан, озод турмуш кўркидан бебаҳра. Улар ҳақиқат, ижтимоий адолат сингари ўзини бу ўлкадан кўкка тортган.

Кўринадики, реал воқелик манзаралари энди ишораларга, бадиий шартлиликка, яъни поэтик рамзларга ўз ўрнини бўшатиб бераяпти. Шу тариқа Клиупатранинг лирик қаҳрамонни ёлғиз ташлаб кетиши билан боғлиқ интим кечинмалар, туйғулар талқини ижтимоий-сиёсий тагмазмун касб этаётир. Яъни, косанинг тагида ним косаси бор. Лирик қаҳрамоннинг ҳаёт гўзаллигидан, эрк гўзаллигидан баҳра олишга қаратилган тоза тилаклари ёвнинг бағрига тушиб, ёв чангалида завол топди. Эрк, озодлик ғоялари тотли тилаклигича қолаяпти. Шу боисдан ҳам лирик қаҳрамон: **«Энди сен мендан узоқда кўзларни ўйнатасанми? Бошқа булоқларда дилларни қайнатасанми?»** — дея оғир бир ўкинч, оғриқли армон билан ёзғиради.

Ортиқ сен ундаги боғда...
Ортиқ мен якками қолдим?
Фарёд йўқ...барча жаҳон жим,
Ер ютса яхши бу чоғда...

Шеъриятимиз ривожидаги реалистик ифода маданияти барча адабий тур ва жанрлар қатори таъриҳ жанрининг мавзу муаммолари кенглигини, ифода имкониятлари хилма-хиллигини, жанр кўринишлари ранг-баранглигини ҳам таъминлади. Хусусан, адабий жанрлар табиатидаги синкретизм ҳодисаси, яъни чатишиш, бирикиш, бир-бирларининг етакчи белгиларини ўз табиатига сингдириш ва шу тариқа янги-янги хусусиятлар касб этиши таъриҳ жанрига ҳам ўз муҳрини ўтказди.

Демак, мумтоз адабиётимиздаги таъриҳ жанрига хос хусусиятлар доирасини ёриб чиққан бадиий тафаккур учун реалистик ифода принциплари кенг имкониятлар яратди. Бадиий санъат даражасига кўтарилган сўзамоллик, нафис сўзлар «ўйини» ўрнини субъектив ибтидога таянган ижтимоий маънодорлик эгаллади. Санъаткорнинг индивидуал нигоҳи объектив воқеликнинг реал мазмуни билан тўйинди ва бойиди. Бир сўз билан айтганда, таъриҳ жанри бадиият ривожида шеъриятимизнинг муҳим ифода шаклларидан бири бўлиб қолди.

Иккинчидан, субъективлик элементи лирик қаҳрамоннинг ўз руҳияти иқлимларини кенг ва чуқур таҳлил этишга ундади. Бу нарса объектив воқелик муаммоларидан чекиниб, ўзликка яшириниш, интим кечинмаларини ифодалашдек бир ёқламаликдан йироқ эди, албатта. Аксинча, объектив воқелик юзага келтирган ўй-мушоҳадалар, кечинмалар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг туйғулар тарзидаги холис кўриниши сифатида намоён бўлди. Шу тариқа ижтимоий-сиёсий воқелик ҳам таъриҳ жанри мундарижасидан жой ола бошлади.

Учинчидан, субъективлик унсурининг яна бир ижобий жиҳати шунда зуҳур топдики, у тириклик ва ўлим, ҳаёт ва умр маъноси, зиё ва зулмат сингари боқий масалалар хусусида муаллақ, реал заминдан узилган ҳавойи мушоҳадакорликни инкор этди. Унинг мундарижасида инсон умрининг қисқалиги, ўткинчи дамлар мазмуни хусусидаги қайғули, синиқ, тушкун кечинмалар йўқ эди. Гарчанд, инсон умрининг охирати, фано ва баҳс масаласи таъриҳ жанрининг асосий бадиий таҳлил объектини ташкил этса-да, умрнинг тонги ва шоми, ойдин кунлар шарофатию офтобнинг буюк иноятию, қабристон сукунатию тирикликнинг шовқин-сурони, яъни ижтимоий коллизиялар ҳам таъриҳ саҳифаларидан собит ўрин олди. Шу боисдан ҳам Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза лирикасида, хусусан, таъриҳ жанрига мансуб шеърларида тажассум топган фалсафий-эстетик мазмун ушбу жанрнинг ҳамда жанр кўринишларининг келгуси тараққиёт тамойилларини, устивор хусусиятларини белгилаб берди.

Демак, таъриҳ жанрининг илк гўзал намуналаридан эътиборан, у шоирларнинг ўзлигини, даврини, замондошлари руҳиятини, ижтимоий-сиёсий воқелик моҳиятини, индивидуал бадиий тафаккур салоҳиятини кенг ва теран акс эттиришга қодир эканлигини намоён этди. Чўлпон ва Ҳамзанинг бадиий изланишларида кузатилганидек, марсия, бағишлов, таъриҳ, монолог, ёднома шеърларда қайғули, ҳазин ўй-мушоҳадалар маънавий қадриятларни, инсоннинг туйғулари камалагини, руҳий дунёси қанчалик бойлигини инкишоф эта олди. Руҳият иқлимларига эътиборнинг кучайиши бежиз эмас эди, албатта. Негаки, мустамлакачилик ўрнини эгаллаган шўро зуғуми қанчалик ёвуз бўлмасин, инсон ўзлигини, шахсини, қадр-қимматини, бир сўз билан айтганда, юксак одамийлик фазилатларини сақлаб қолганлигини, ҳар қандай шароитда ҳам уни беками-кўст намоён эта билганлигини кўрсатади.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
Ёрмуҳаммад МАДАЛИЕВ.

Учрашув

ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ...

Беғубор болалигимизнинг энг ширин дамлари кечган, ҳаётда ҳар биримиз ўз ўрнимизни топиш учун интилишимиздаги илк палла бўлган мактаб хоҳласакда— хоҳламасакда қалбимизнинг бир бурчини макон айлайди. Чинакам инсоний қалб эгаси ўтган у онларни энтикиш, ҳаяжонсиз эслай олмаса керак.

Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги F. Ғулом номидаги 28-ўрта мактаб қучоғидан бундан роппа-роса 20 йил бурун долғали ҳаётта учирма бўлган йигит ва қизлар яқинда ўз қадрдон гўшаларига тўпланишди. Энди, узоқ ҳижрондан сўнгги дийдорлашув лаҳзаларини фақаттина ҳис қила билиш керак. Синфдошлар юзларидаги табассум, самимийлик, ўзаро ҳазил-ҳузуллар орадаги 20 йиллик умрни бир баҳяда ортга қайтаргандек бўлди.

Айниқса, алифни таниттан муаллимлар Абдувоҳид Бобомирзаев, Муртазо Бегматовларнинг 37 ёшли биринчи синфларга берган «илк» сабоғи қизиқарли ўтди. Ҳақиқий илк сабоқдан фарқли ўлароқ, унда кўпроқ собиқ ўқувчиларнинг ҳозирги ҳаёти, бола-чақаси, оиласи ҳақида суҳбатлашилди. Уларнинг барчаси ўзлари эгаллаган соҳалар билимдонлари эканлигидан биринчи ўқитувчилари ғурур ҳиссини туюшди. Мамаражаб Назаров Ўзбекистон ТВда режиссёр, Отабой Нарзиев, Раҳимқул Қаршиев шу мактабда ўқитувчилик қилаяпти. Бердикул Оролов ҳозирда тумандаги 20-мактабда директор.

— Бугунни мен ҳаётимнинг энг бахтли кунларидан бири сифатида таърифласам бўлади, — деди кекса тарихчи муаллим Нуриддин Азбиддинов. — Чунки шу кунгача армон бўлиб келган сабоқни собиқ ўқувчиларимга бердим. Бобомиз Амир Темур ҳақида 45 минут маъруза қилдим.

Учрашувда туман ҳокими ўринбосари Мамарасул Холбоев, халқ таълими бўлими мудири А. Мусурмонов иштирок этди. Собиқ ўқувчилар мактабга ҳамда устозларига эсдалик совғалари топширишди.

З. МЎМИНОВ.

Соғлом авлод учун

ДАВОСИЗ ДАРД ЙЎҚ...

Эндокринология фани нима? У нималарни ўргатади? Шундай оддий, бироқ зарур саволлар билан биз пойтахтимиздаги эндокринология илмий-текшириш институти ходимаси, тиббиёт фанлари номзоди Раъно Ҳошимовага мурожаат этдик.

— Эндокринология инсоннинг ички секреция безларининг тузилиши ва фаолиятини, гормонларнинг ҳосил бўлишини ва уларнинг организмдаги модда алмашинувларга таъсири ҳамда паталогик ҳолатлардан келиб чиқадиган касалликларнинг тарқалиши, уларни аниқлаш, олдини олиш ва даволашни урганадиган фандир.

Эндокрин безлар махсус моддалар — гормонлар ишлаб чиқаради. Гармонлар ўсиш-улғайиш, жинсий безлар фаолиятини ва ақлан ривожланишни, умуман, организмнинг нормал яшовчанлик қобилиятларини изга солиб бошқариб туради. Агар юрак -қон томирлари упка, ажратиш ва бошқа системалар ўзига хос махсус вазифаларни бажарса, эндокрин системасининг вазифаси асосан аъзолар, қайд этилган системаларнинг фаолиятини бошқариш ва мослаштиришдан иборат.

Асосий эндокрин безлар — қалқонсимон, қалқонсимон олд безлари, меъда ости бези, буйрак усти безлари, жинсий безлар, эпифиз, айрисимон безлар организмнинг турли қисмларида жойлашган. Эндокрин безларнинг фаолияти узгарганда ҳар хил касалликлар келиб чиқади, улар гармонлар етишмаслигидан ёки кўп чиқарилиши натижасида юзага келади. Бу касалликлар жуда мураккаб бўлиб, унинг турлари ҳам кўп учрайди. Сир эмас, кейинги йилларда дунё буйлаб, жумладан, мамлакатимизда ҳам эндокрин касалликлари, айниқса, қандли диабет кўпайди.

Бу касаллик аксари шаҳар аҳолисида, касал бўлиш хавфининг асосий омилларидан бири вазни ортиқча булган — ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишиларда учрайди. Чипқон, гингивит, узоқ вақтгача тузалмайдиган стоматит, колпит ва бошқалар қандли диабет белгиларидан бўлиши мумкин. Ваҳоланки, беморлар турли ихтисосликдаги мутахассисларга мурожаат қиладилар. Бунда углеводларни суиистеъмол қилиш, шунингдек, гепатит, панкреатит, холецистит ва кечирилган бошқа касалликлар хавфли омиллардан ҳисобланади. Юрак-томир касалликлари (юракнинг ишемик касаллиги, хафақон касаллиги, атероскелероз, миокард инфаркти ва бошқалар) қандли диабетнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади.

Узоқ вақтлардан бери битта оилада бир нечта кишининг қандли диабет билан оғриши кузатилган. Ота-оналари ушбу хасталикка чалинганларнинг фарзандлари (30-70 фоизи) бу дарддан озор чекиши маълум. Қандли диабет наслий мойиллиги бор кишиларда хасталик вужудга келиши учун бирор қўшимча сабаб бўлиши керак. Болалар ва ўсмирларда бу жараён кўпроқ ўткир вирусли касалликлар (қизилча, эпидемик паротит, сувчечак кабилар) туфайли юзага чиқиши мумкин. Улар меъда ости безининг наслий ожиз ҳужайраларини осонгина шикастлаб, инсулин ишлаб чиқаришнинг кескин камайиши ёки мутлақ йўқолиши орқали қандли диабетни вужудга келтиради. Руҳий ҳолат ва асаб системасининг бузилиши ҳам қандли диабет келиб чиқишига сабабчи була олади. Ёши улғайган кишиларда меъда ости безидаги қон томирларининг атеросклерозга учраши без ҳужайраларнинг озиқланишини ёмонлаштиради. Натижада инсулин ишлаб чиқариш сусайиб қандли диабет вужудга келади.

Бешта ҳужайраларга нисбатан заҳарли булган моддалар, масалан нитрозаминлар ҳам қандли диабетни келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин. Бундай моддалар тамаки таркибида ҳам учрайди. Шу билан баробар спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш жуда зарарли, чунки улар жигар, меъда ости бези, юрак, ошқозон, ичак ва ҳоказоларга қатиқ зарар кўрсатади. Қандли диабетда ҳам меъда ости бези, жигар, юрак, ошқозон, ичак ва ҳоказолар зарар кўриши қайд этилган.

Юқорида эслатиб утилганидек, қандли диабет икки асосий турга бўлинади. 1-тури ёки инсулинга қарам диабет, 2-тури — инсулинга қарам бўлган қандли диабет. 1-тур диабет кўпроқ 25-30 ёшгача, асосан, болалик ва ўсмирлик даврларда пайдо булади; бошланиши ўткир, кўп ҳолларда вирусли грипп, қизамиқ, паротит, сув чечак ва бошқа касалликлардан кейин. Қандли диабет белгилари оғиз қуриши, ташналик, кўп пешоб ажратиш, озиб кетиш, ҳолсизлик аниқ ифодаланган. Касалликнинг бу турида қандни камайтирадиган хап дорилар таъсир қилмайди. Инсулиннинг таъсири жуда кучли. 2-тур қандли диабет 35-40 ёшдан кейин пайдо булади. Касаллик бошланиши аста-секин, баъзида беморлар тасодифан қандларнинг миқдори қонда баландлигини билиб қолишади (диспансеризация пайтида, санаторияларда ва ҳоказо). Қандли диабетнинг бу турида кўпроқ қувватсизлик, ташналик, қичиниш аломатлари учрайди; тишлари қимирлаши, милклари қонаши ва терига йирингли яралар чиқиши безовта қилади.

Хулоса шуки, қандли диабет билан хасталанган беморни даволашдан мақсад, инсулин етишмаслиги натижасида организмда содир буладиган моддалар алмашинувидаги ўзгаришларни компенсация ҳолатига келтириш. Қандли диабет доимо компенсация ҳолатида сақланса, қон томирларга берадиган асоратларнинг олдини олади ёки уларнинг ривожланишларини секинлаштиради, натижада беморлар узоқ вақт иш қобилиятларини сақлаб қоладилар, ҳаётлари мазмунли бўлишига имкон яратилади.

Болаларда диабетни яхши компенсация қилмаслик — уларнинг жисмоний, жинсий ва ақлий жиҳатдан орқада қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун қандли диабети бор беморларни компенсация ҳолатда сақлаб туриш, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ҳаёт кечиришининг асосий шартидир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Парҳез.
2. Инсулин ва қанд миқдорини камайтирувчи ҳап дориларни қабул қилиш.
3. Жисмоний ҳаракат қилиш.
4. Уз-ўзини назорат қилиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, қандли диабет тўғрисида кичиккина маълумот беришга ҳаракат қилдик. Беморлар бундан узларига тегишли хулосалар чиқариб оладилар, деган умиддамиз.

ИЗОҲ: Дарвоқе, Раъно опа билан муҳтарам мушторийларни таништиришни унутибмиз.

Раъно Ҳошимова асли чинозлик. Ота-онаси шифокор бўлишгани учунми, унда ҳам бу касбга нисбатан қизиқиш болаликдаёқ уйғонди. Шу боис ҳам ўрта мактабни тамомлади-ю, 1963 йили Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Бу нуфузли даргоҳда Раъно хон зукко устозлардан сабоқ ўрганиб, сўнгра пойтахтимиздаги курортология ва физиотерапия институтида кичик илмий ходим сифатида иш бошлади. Мана, бугунги кунда эса таниқли шифокор. Бир неча илмий монографиялар, китоблар муаллифи, кўплаб шогирдларнинг устози.

Суҳбатдошлар: Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Алимурод МУҲАММАДАЛИЕВ.

«ХАЙР, БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ»

Мана, сермашаққат ўқиш дамлари тугаб, ўқувчилар орзиқиб кутган ёзги таътил кунлари ҳам етиб келди. Республикамиздаги бошқа мактаблар қаторида Юнусобод туманидаги 9-мактабнинг 4-«А» синфида ҳам «Хайр, биринчи ўқитувчим» мавзусида катта кеча ўтказилди.

Ўқувчилар ўзларининг барча устозларига атаб дил сўзларини шеър ва қўшиқларда, рақс ва асарлардан қўйилган парчаларда изҳор этиб, йиғилганларни хушнуд этдилар.

Кечада мактаб маъмуриятидан бошлангич синф ўқитувчиларининг илмий булим мудири Абдуазим ака Сиддиқов ва Г. Ёрмуҳамедова, Д. Қодирова, Х. Отахўжаева, М. Умарова, С. Нигматова, Г. Исломова, Ш. Орифхонова каби ўқитувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Ўқувчилардан Мунисахон Одилова, Сардор Турсунов, Камола Мансурова, Зиёвуддин Файзуллаев, Равшан Қосимов, Бекзод Тожибоевлар кечада фаол қатнашиб, устозларини хурсанд қилдилар.

Ўқувчиларнинг биринчи устозлари билан хайрлашишлари улар учун жуда оғир бўлди. Чунки тўрт йил бир синфда биринчи устозлари билан доимо бирга бўлган эдилар-да!

Ўқувчилар ўз устозлари Дурдона Қодирова, Гулнора Ёрмуҳамедова, рус тили ўқитувчилари В. Г. Хайруллина, С. Аҳмедова, чет тили ўқитувчилари А. Шарипова, Д. Нигматова, меҳнат ва тасвирий санъат ўқитувчилари С. Худойбердиевалардан жуда-жуда миннатдор эканликларини билдириб, «Бизлар ўз устозларимиз олдиларида бир умр бош эгиб, таъзим қиламиз!» дея устозларига гуллар тақдим этдилар.

Синф раҳбари Дурдона Қодирова ўз ўқувчиларининг келгуси ўқишларида улкан муваффақиятлар тилаб, аъзочи ва фаол шогирдларига «Мақтов ёрлиқлари» ва турли хил совғалар топширди.

Хайрлашув кечаси барча ўқувчиларда чуқур таассурот қолдирди.

М. ҚЎЧҚОРОВ.

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ЎЙИНЛАРИ

ШАХМАТ

Самарқанд вилояти спорт қўмитасининг спорт саройида халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари талабаларининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган шахмат мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақалар тўрт гуруҳда ўтказилди. Саралаш мусобақаларидан сўнг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари командалари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Биринчи давра учрашувида Самарқанд вилояти билан пойтахт вилояти вакиллари ўртасидаги учрашувда майдон эгалари 3,5:2,5 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тошкент шаҳри спортчилари фарғоналиклар устидан ана шундай ҳисоб билан ғалаба қозонишди. Иккинчи давра ўйинида Тошкент вилояти вакиллари фарғоналиклар устидан 6:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Самарқанд вилояти вакиллари Тошкент шаҳри командасига 2,5:3,5 ҳисобида ютқазиб қўйишди, фарғоналикларни эса 6:0 ҳисобида ютишди.

Мусобақа якунига кўра Тошкент шаҳри шахматчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Самарқандликлар иккинчи, Тошкент вилояти вакиллари учинчи ўринни олишди.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида 17—19 май кунлари оғир атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақаларда Навоий вилоятидан ташқари республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри командалари иштирок этди.

Мусобақалар якунига кўра, команда ҳисобида биринчи ўринни Андижон вилояти спортчилари эгаллашди. Самарқанд ва Хоразм вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Шахсий биринчиликда 11 хил вазн тоифасига кўра андижонлик Н. Тешабоев, Ч. Қурбонов, Н. Усмонов, самарқандлик С. Раупов, Б. Бозоров, хоразмлик Ш. Матрасулов, Тошкент вилоятидан И. Бекназаров, А. Қулов, Тошкент шаҳридан И. Гумеров, Ю. Хникин, қашқадарёлик Б. Эргашев ёшлар ўйинлари чемпионлари бўлишди.

БАСКЕТБОЛ

Самарқанд шаҳрида 8 кун давомида ўсмирлар ва қизлар ўртасида баскетбол бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Кескин курашлардан сўнг ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳри спортчилари ёшлар ўйинлари чемпиони бўлишди. Самарқандлик баскетболчилар иккинчи, бухороликлар учинчи ўринларни қўлга киритишди. Қизлар ўртасидаги беллашувларда Самарқанд спортчилари ҳурмат шоҳ-супасининг юқори поғонасига кўтарилишди. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти вакиллари иккинчи, учинчи ўринларни олишди.

ВОЛЕЙБОЛ

Андижон шаҳрида ўтказилган волейбол мусобақалари ҳам қизғин курашларга бой бўлди. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда пойтахт спортчилари ўз маҳоратларини кўрсатишиб, биринчи ўринни ишғол этишди. Андижон ва Тошкент вилояти спортчилари иккинчи, учинчи ўринларни қўлга киритишди. Қизлар ўртасидаги мусобақаларда ҳам Тошкент шаҳри вакиллари ғолиб чиқди. Фарғона ва Андижон вилояти волейболчилари иккинчи, учинчи ўринларни олишди.

ТЕННИС

Тўққиз кун мобайнида Андижон вилоятидаги теннис кортларида қизғин мусобақалар давом этди. Муросасиз курашларда пойтахт спортчилари ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш этишиб, ёшлар ўйинлари чемпионлари бўлишди. Бу беллашувларда Бухоро ва Андижон вилоятлари теннисчилари ҳам яхши кураш олиб бориб, иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

СТОЛ ТЕННИСИ

Фарғона шаҳрида стол тенниси мусобақалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Бир ҳафта мобайнида ўтган қизғин беллашувлардан сўнг майдон эгалари — фарғоналиклар мусобақа ғолиби бўлишди. Самарқанд ва Бухоро вилоятлари спортчилари иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Ғ. МАННОПОВ.

БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР...

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни

Эгизакларимнинг бахти эгиз бўлсин!

Р. АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳаси.

«БОҒИМДА ГУЛЛАР ЧАМАН...»

(Боши 1-бетда).

наъматак, тоғ райҳони, матмачиха, алтей каби шифобахш ўтлардан тайёрланган дамламалар. Муздайгина, хушхўр. Дамламаларни бир татиб кўрган киши яна ичсам дейди. Табиийки, таркибида ҳар хил шифобахш моддалари бор бу дамламалар болаларнинг жон-дили. Пакетчаларга солинган шифобахш ўтлар дорихоналардан олинган эмас. Бу ўтлар боғчанинг ўзида етиштирилиб, болаларга тортиқ этилади. Ахир, бу чинакам савоб эмасми?

Иссиқхонанинг устига ёпилган плёнка олинганини дарров илғадик. Кунлар исиб қолди-ю, пиёз, саримсоқпиёз, селдир, укроп, петрушка, хуллас, ошкўклар офтоб нурига, ҳавога ташна. Боғчада қишки иссиқхона ҳам мавжуд. У ердаги гултувакларда лимон ўсади. Боғча опалар қиши билан пишиб етилган мевалардан лимончой қилиб, тарбияланувчиларга ичиришди. Бегония, хитойча роза, кактус, алоэ, гулларнинг яна бир қанча тури. Уларнинг номлари лотин алифбосида ёзиб қўйилибди. Иссиқхонанинг ёнгинасида жисмоний даволаш хонаси жойлашган. Бу ерда баданни чиниқтириш учун мўлжаллаб тикилган қўлқопчалардан тортиб, массаж учун муҳайё этилган ўриндиққача тахт. Шиша идиш қопқоқларидан ясалган «йўлакча»дан юриб кўрсангиз, мазза! Бу ҳолатда оёқлар яйраб, бутун танадаги мудроқлик аллақайга чекинар экан...

Музика хонаси саранжомсаришта, жиҳозлар янги. Методист Лариса Моторинанинг таъкидлашича, машғулот пайти болалар бу ерга келиб, яйраб-қувнайдилар, рақсга тушиб, қўшиқ айтадилар.

Айтганча, тасвирга зўр бериб, боғчанинг таржимаий ҳоли билан боғлиқ томонларга эътибор бермабмиз. Ҳикоя қилганларимиз Тошкент шаҳар Чилонзор туманига қарашли 336-боғча ҳаётидан. У бундан 30 йил муқаддам вужудга келган. Яқинда болалар масканининг 30 йиллиги бу ерда қизғин нишонланибди. Боғчага 1986 йилдан бери Зайнаб Абирова мудира. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга комплекс тарздаги экологик тарбия бериш ғояси дастлаб мудиранинг ташаббуси билан бошланди.

— Боғчангизда нима учун экологик тарбияга кўпроқ аҳамият берилишини изоҳлаб берсангиз, — илтимос қилдик мудирадан.

— Сирдарёда ўсганман. Ерга, ўсимликлар оламига болаликдан ўчман. Гулларни, қушларни, шиғил мевалари пишган дарахтларни севаман. Ана шу ҳиссиёт менга тинчлик бермайди. Мудира этиб тайинланган кунимдан бошлабоқ бу ерни экологик тарбия масканига айлантираман, деб ўзимга сўз бергандим. Мана, кўриб турибсизки, озми-кўпми мақсадимга эришдим...

Кишининг ўз ишидан қониқмаслиги ҳали анча-мунча имкониятлари борлигини билдиради. «Озми-кўпми», дея Зайнаб Абирова шунга ишора қилгандек бўлди. Ўзининг таъкидлашича, у боғчага эрталаб соат 7 да кириб келади. Гоҳо кеч соат 7—8 ларгача қолиб кетади... Кунлари бир зайлда, одатдаги елиб-югуришлар билан ўтса-да, мудира бундан қандайдир завқ туйса керак. Дарахтларнинг тагини юмшатишми, уларни суғоришми, экинларни ўташми, хуллас, худди рўзғор каби бу ерда ҳам юмушларнинг адоғи йўқ...

Субҳидам туриб, майсаларга, гулларга эътибор берганмисиз? Марвариддек, тип-тиниқ шабнамнинг гул-япроқларни ювиб, думалаб тушганини кўзатганмисиз? Агар кузатган бўлсангиз, шабнамнинг шаффофлигидан, бу биллурий томчиларнинг табиат, тупроқ, ҳаво таъсири билан нақадар боғлиқлигига имон келтиргандирсиз. Нега гапни шабнамга бурдик? 336-боғчанинг номи «Шабнам».

Ана, тонг отди. «Шабнам» сари чопқиллаб келаётган болакайлар қалбида эса табиатга ошуфталик! Болалик учун бундан ортиқ гўзаллик бўлмаса керак!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

«СИЗ МЕНИНГ ОНАММИСИЗ...»

(Болалар уйи ёнидан ўтаётиб кўнглимдан кечган ўйлар)

Ривоят қиладиларки, қиёмат куни сўроқ-жавоблар бошланганда, гуноҳкор бандалар сафида турган аёлларни ҳали норасидалик пайтида ўлиб кетган гўдакларининг руҳи келиб қутқазар экан. Қандай қилиб? Ахир, улар оналарининг дийдорига тўймай кетишган-ку?! Ривоятда айтишларича, норасидалар ўз оналарининг ҳидидан топиб олади. Улар саф тортиб турган аёлларнинг кўкракларини бирма-бир ҳидлаб чиқади. Қарангки, гўдак ўлганида, онанинг кўкраги кабоб бўлиб қолар экан! Ана шу ҳиддан ҳар бир норасида руҳ ўз модарини таниб, уни дўзах азобидан олиб чиқиб кетар экан...

Чақалоқ дунёга келди. Гўдак йиғиси, унинг ингаси, онанинг майин алласидек бокира қўшиқ борми бу дунёда! Чақалоқ ингаси оламни тутиши билан бутун жаҳон яшаргандек бўлади.

Албатта, тўрт мучаси соғ, ҳар томонлама соғлом бола туғилса, ҳаммамиз қувонамиз. Лекин бири кам дунё деганларидек, тақдир ҳар доим ҳам бизнинг изимизга бўйсунавермаганидек, гоҳи-гоҳида ақлан заиф, туғма мажруҳ, кўзи ожиз, умуман айтганда, носоғлом болалар туғилаётган ҳоллар ҳам учраб туради, минг афсус.

Эй, дунёни фақат яхшиликлардан деб тушунгувчи, уни сеҳргар деб билувчи ва оламдан фақат мўъжизалар кутувчи болакай, сен ҳали армон нималигини билмасанг-да, армон тўла нигоҳларингдаги саволларга не деб жавоб берайин. Сени ўз боласидан ҳам ортиқ кўргувчи, битмас-туганмас меҳр кўргазувчи, керак бўлса, жонига жойлагувчи тарбиячи опаларинг ҳам қачонгача «Мен онангман, онангдан ҳам зиёдман» дея алдасин. Қачонгача ўтган-қайтган йўловчидан: «Сиз менинг ойимсизми, сиз менинг дадаммисиз?»— дея нигоҳларинг билан сўрайсан. Ҳали йўргакдалик чоғингдаёқ онангни, отангни мурғаклигингдаёқ таниб ажратиб олган бўлсанг-да, ўткинчиларга умид билан боқасан. Ота-онангнинг сени қидириб олдингга ҳеч қачон келмаслигини билсанг-да, панжаралар ортидан: «Фарзандгинам, сени бу ердан олиб қочиб кетаман, сени жуда соғиндим», — дея интиқ бўлиб кутасан. Бир кунмас бир кун, албатта шундай бўлажагига ишониб яшайсан.

Ким билсин, балким ота-онанг тирикдир, балким ҳозир сени ўз кўзлари билан кўриб тургандир. Балким улар тангрининг қудрати билан этлари жумбушга келиб, уввос тортиб йиғлаётгандирлар. Ўз қилмишларига пушаймон бўлаётгандирлар. Болакай, билмадим, сен бу ерга тақдирнинг қандай тақозоси билан келгансан. Балки ота-онанг сен ҳали уларнинг ҳидини таниб улгурмасингдан бу оламдан кўз юмиб кетишгандир.

Балки отанг тирикдир, балки онанг тирикдир. Лекин ўша тирикман деб юрган ўликларнинг сен англаб етган ҳақиқатингни англашга фаҳмлари етмаса, сен уларнинг ёдида бўлмасанг, уларнинг тириклигидан не наф.

Мен сени соғинганман, деб атрофингда парвона бўлгувчи опаларинг минг айланса-да, онангга айланиб қолишолмаса, уларда не гуноҳ?!

Болакай, сен ўша тириклар билан бирга бўл! Тириклар орасида юрган ўликлар билан тангрининг ўзи ҳисоб-китоб қилгай.

Улуғбек МИРЗО АҲРОР.

Ўқувчилар ижодидан

НАЙ

Шунча эзурмисан суякларимни,
Шунча хаёлларга бошлармисан, най.
Сезгандек дилимда демакларимни,
Шунча кўзларимни ёшлармисан, най.

Жисмингки жажжидир, сен бир таёқча,
Йилларки, ўзингни қилурсан адо.
О, бағрим ўйиқ деб йиғлайсан мунча,
Сенмисан дунёда бир бахти қаро.

Тингладим, тингладим кўҳна нолангни,
Кипригим ортидан сизди кўз ёшим.
Дарров олмоқ эдим қўлга қаламим,
Оҳ, яна кўнглимни бузди кўз ёшим.

Сенинг нолаларинг балки қайдадир
Унут хотиралар кўксин ёргайдир.
Балки бу дунёнинг кемтик жойига
Сенинг фарёдларинг етиб боргайдир.

Сен йиғлаб куйлайсан, ҳар дам шу одат,
Сени тинглаш учун кўк ҳам тутинар.
О даҳшат бу рўйи заминда фақат
Сени тингламайди бағри бутунлар...

Шоди ОТАМУРОДОВ,
Тошкент шаҳри Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейи XI синф ўқувчиси.

ЁШЛИК

Умримизнинг баҳори,
Энг мусаффо наҳори,
Ёшлигимиздир.
Баҳор қайтар, қайтмовчи,
Ҳаммамизни алдовчи
Ёшлигимиздир.

Гулбадан САРҚУЛОВА,
Хўжаобод туманидаги 13-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

БАҲОР

Безанади табиат
Қисқа фурсат ичида.
Такрорланмас гўзаллик
Шаффоф, ҳарир томчида.

Жилоланиб офтобда
Замин белбоғ ўрайди.
Дов-дарахтлар шамолда
Япроқларин тарайди.

Етти хилда товланиб
Кўкка чиқар камалак.
Баҳорнинг даракчиси
Бўлиб чиқар камалак.

Гўзал ХОЛИҚОВА,
Шаҳрисабз туманидаги 39-ўрта мактабнинг XI синф ўқувчиси.

Тажриба, синов, натижа

ҲИС-ТУЙҒУ ТАРБИЯСИ

«БОЛАЛИКНИНГ МОВИЙ ОСМОНИ» ТУРКУМИДАН

Ёшликдан бадиий ижод билан шуғулланганим учунми, дастлабки кунларданоқ ўқувчиларимни ҳам шунга баҳоли қудрат ўргатишга, қизиқтиришга ҳаракат қила бошладим. Аммо, ишни нимадан бошлаш қулайроқ? Менинг олдимда шу савол кўндаланг турарди. Деворий газетага эътибор қаратиш керакми ёки адабиёт тугарагигами? Ҳаммаси эски йўл, қандайдир бошқачароқ усул топишим керакдек...

Ўша кезлари туманимизнинг «Дўстлик байроғи» газетасида туркум шеърларим эълон қилинди. Эртасига 8-синфга дарсга кириб келишим билан Даврон исмли ўқувчим: «Муаллим, газетада шеърларингиз чиқибди», — дея ўша газетани қувониб кўрсатди менга.

— Раҳмат, Давронбек, сиз ҳам шеър ёзиб, матбуотда ана шундай чиқиш қилишни истайсизми?

— Жуда-жуда истайман, домла!..

— Бўлмаса, эртага бирон мавзуда кичкина шеър ёзиб келишга ҳаракат қилинг, — дедим қатъий. У астойдил ваъда берди. Ахир, ўқувчи қизиқмаса, газета кўтариб келмас эди-да!.. Лекин, шеър тузилиши, умуман назарий жиҳатдан ҳеч нарса демадим. Чунки, ўқувчига дарров унақа катта талабларни қўйиб бўлмайди. Хуллас, ўша дақиқадан бошлаб ишни кенг тус олдира бошладим. «Шеърият беш минутлиги»ни ташкил қилдик. Тез кунда бу янгилик бошқа синфларга ҳам етиб, танаффус пайтларида шеърларини кўрсатадиган, маслаҳат сўрайдиган ўқувчилар кўпайиб қолди. Мактаб икки сменада бўлганлиги сабабли тўгаракдан кўра менга «Шеърият беш минутлиги» кўпроқ қўл келарди. Мен ўқувчиларга машҳур шоирлар ҳам жуда кўп машқ қилганликларини уқтириб, уларни маънан, руҳан тайёрлашга тобора интилардим.

— Шеър ёзиш қийин эмас, — дедим бир куни, — фақат қизиқишни сўндирмасаларинг бас. Матбуотда кўриниш масаласида кўнгилларинг тўқ бўлсин...

Тез орада барча ўқувчилар дасталаб шеърий машқлар билан кела бошлашди. Қарасам, ҳамма шоир, ижодкор! Бир томондан хурсанд эдим. Иккинчи тарафдан эса, хижолат тортардим. Бу ишнинг натижаси юрагимни зимдан ўртар эди. Ўқувчилардан машқларни йиғиб олдим. Бир сидра кўздан кечирдим. Тақлид, маъносиз жумлалар кўзимга ташланаверди. Бир-иккита ўзига хос фикрлар ҳам учради.

— Сизлардан ижодкор чиқади, — дедим уларни ишонтириб, — фақат бир ишни амалга оширмасак бўлмайди. Бу — шеърнинг тузилиши.

Шу гап-сўзлардан сўнг ўқувчилар ўргатишимни талаб қила бошлашди. Мен аввал бўғин, вазн, қофия, мазмун ҳақида сўз юритдим. Чунки уларни чўчитиб қўйишдан қўркардим.

Ўқувчилар ҳам ишга жиддий киришиб кетдилар. Улар машқларини ҳар куни кўрсатишар, мен эса камчиликлар, яна шеъриятнинг нозик нуқталари ҳақида гапириб, маслаҳатлар берардим. Борабора қизиқувчилар сони камайди, лекин ўнга яқин ўқувчи машқни давом эттираверди.

Энди ишни охирига етказиш мақсадида энг сўнгги таъсир кучимни ишга солишга қарор қилдим.

— Ўқувчилар, — дедим бир куни, — мана, бир қанча вақтдан бери ижод қилиб келяпсизлар, келинглар, туман газетасида бир чиқиш қилайлик.

Мен таҳририятга бориб, уларнинг ҳам розилигини олдим. Ниҳоят газетада ўқувчилар ижоди бир саҳифа этиб ёритилди. Бу саҳифани кўрган ўқувчиларимнинг қувончини бир кўрсангиз эди...

Ўша ўқувчилар аллақачон мактабни тамомлаб кетишган. Ҳозир улардан икки кишигина матбуотда ўз ижоди билан кўриниб туради, ўшаларгина таҳририятга қатнайди. Аммо, бу менинг катта ғалабам, десам шубҳа уйғотмаса керак. Ахир, йилига ҳар бир мактабдан атиги бир нафар бўлса ҳам ижодкор етишиб чиқса, катта гапда!

Бола сўзи нақадар чиройли, ёқимли! Биз ўша мурғак чиройдан ҳақиқий гўзаллик кашф этишимиз лозим. Адабиёт эса ҳис-туйғу тарбияси, руҳий тарбия. Бу тарбияни ҳеч бир қудратга, юксакликка қиёслаб бўлмайди.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 9-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.
«Йил ўқитувчиси» Қорақалпоғистон Республикаси кўрик-танлови ғолиби.

БОҚИЙ МЕҲР

(қатра)

Сен туғилдинг. Сенинг «инга-инга» деб йиғлаган овозинг юрагимга нечоғлик севинч солди. Наздимда бутун олам мени табриклаётгандек бўлди. Ахир мен ҳам энди Она бўлдим, Она! Дераза ойнасидан олисда кўриниб турган қорли, сервиқор тоғлар, танасини момиқ қор парчалари қоплаб турган арча дарахти, у шохдан бу шохга парилдаб учиб ўтаётган чумчуқлар ҳам гўёки мени қутлаётгандек бўлди. Атрофимда парвона бўлаётган ҳамшира қиздан секингина сўрадим:

— Ким экан?

— Табриклайман, ўғилчали бўлдингиз, — деди у жилмайибгина.

— Раҳмат, катта раҳмат синглим, сизнинг ҳам биринчи фарзандингиз ўғил бўлсин!

Мен бу сўзни шунчалик қувонч ва чин дилдан айтганимни ҳозиргача тасаввур қила оламан. Сенга уйдагилар Ҳакимжон деб исм қўйишибди. Бу исм менга ҳам, даданга ҳам жуда ёқди. Сен ювошгина, беозор бола эдинг. Чақалоқларнинг уч ойлик уколини қўйишганда ҳаттоки йиғламаган ҳам эдинг. «Полвон экан-да, полвон» дегандик ўшанда. Тўрт ойлик бўлганингда тўсатдан қаттиқ иситмалаб, оғриб қолдинг. Етти-саккиз кун давомида тинимсиз йиғлаб турдинг. Кечаси ҳам тайинли ухлай олмай йиғлардинг. Эҳтимол, ёшлик қилиб сени шамоллатиб қўйгандирман. Менга катта қайнонам, яъни сенинг катта бувинг, бечора уззу кун қарашди. Йигирма бир кун касалхонада олиб ётдик. Аста-секин яхши бўла бошладинг. Янглишмасам, шундан кейин ҳам сен соғломгина, бақувватгина бўлиб ўсаётган эдинг. Тўққиз ойлик бўлиб уйинчоқлар ўйнаб қолганингда яна тўсатдан оғриб қолдинг. Қишлоқ врачи дархол касалхонага боришни маслаҳат берди. Касалхонада саккиз кун ётдик, ҳеч ўзгариш бўлавермади. Шундан сўнг онам «ирим-сирим» қилайлик деб уйга олиб кетди. Етти-саккиз кун уйда бўлдинг.

Назаримда кундан-кун орқага кетиб борар эдинг. Охири яна касалхонага бордик. Бир-иккита укол қилганларидан сўнг ҳеч нарсани сезмай қолдинг. Икки-уч кун шу аҳволда қийналиб ётдинг. Кейин, кейин нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Кўзимга бутун олам қоронғу бўлиб кўринди. Билмадим, худо кунингни калта қилиб яраттандир ёки мен нодон сени оналик меҳри билан таъмин этолмадимми... Ҳалигача ўзимни ўзим кечира олмайман. Ҳаётда яшашнинг ҳеч бир қизиғи йўқдек, ҳамма нарса кўзимга хунук бўлиб кўринар эди. Бу дунёда инсон учун жигарбандидан жудо бўлиш нақадар даҳшатли экан. Панароқ жойга кириб фақат юм-юм йиғлар эдим...

Орадан икки йил ўтди. Худога минг қатла шукрлар бўлсинки, яна ўғилчали бўлдим. Ҳозир укаларинг турта бўлди. Бахтимга уларнинг умрлари узоқ, ризқ-насибалари бутун бўлсин! Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!..

...Ўй-хаёллар билан бўлиб, ўғилгинам сени унутаёзибман, мени кечиргин жоним. Майли, бу дунёлик бўлмаса, у дунёлик фарзандим, дилбандимсан. Мен сени ҳеч қачон унутмайман. Фақат ўзимни айбдор деб гоҳида ич-ичимдан титраб кетаман. Мана, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Энди сен билан хайрлашаман. Хайр, ўғлим, тўнгичгинам, хайр!

Гулнора ОТАБОЕВА,
Бахмал тумани.

Хулласа...

5000 ЁШЛИ МЕҲМОН

Яқинда Басудан-Ула (Хитойнинг Тибет мухтор музофоти) тоғида овчилар музда жуда яхши сақланган одам жасадини топишди. Олимларнинг аниқлашича, унинг ёши 5000 йилдан ошиқ кўринади.

Иллинойс штати университетида топилдиқ синчиклаб тадқиқ қилинди. Мутахассисларнинг ишонч билан таъкидлашича, мурданинг барча ички аъзолари сунъий. Улар ясалган хомашё қанақа эканлигига замонавий фаннинг тиши ўтмаяпти.

Доктор Юстин Маннерснинг айтишича, жасад коинотдан келган «меҳмон»га тегишли. Бундан ташқари, унинг миясида ҳам сунъий тўқималар мавжуд, дея қўшимча қилмоқда Маннерс.

Бу хулосаларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмадигу, бироқ ҳар антиқа нарсани осмонга боғлайверсак, ердан ажралиб қолишимиз эҳтимолдан холи эмас.

ФАОЛ ЖАНГЧИЛАР ЧЕТДА ҚОЛДИ

Ҳар қандай телекомпания унинг қайси кўрсатувлари ёқаётганлигию қайси бири номақбул бўлаётганлиги билан қизиқади. Шу пайтгача бу ишни уддалагувчи бирор восита йўқ эди. Буни бразилиялик «дилбузар»чилар яратишди. Энди махсус мослама маълум бир кўрсатувни неча киши кўраётганлигини аниқлаб беради. Бу асбобнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозир Бразилияда ҳайвонлар тўғрисидаги кўрсатувларнинг томорқаси қулоч ёйибди. Бироқ мазкур воситанинг ҳам чув томонлари бор экан. Чунки, мослама фақат бичими бутун (яъни катта ёшдаги) одамларни ўз темир дафтарига муҳрлар, болалар эса томошабин сифатида руйхатдан тушиб қолаётган экан. Вақоланки, болалар томошабинлар «армия»сининг энг фаол «жангчи»лари ҳисобланишади.

СПОРТНИНГ ИККИ УЧИ

Спорт — шараф. Бу энди ҳаммага маълум гап. Унинг иккинчи учи ҳам бор. Бойлик. Мана, бир-икки мисол.

Польшанинг «Впрост» журнали Литванинг 5 та энг давлатманд кишиларини маълум қилди. Буларнинг иккитаси спортчилар. Бири машҳур баскетболчи Арвидос Сабонис. Унинг бир йиллик сармояси (фақат спортнинг ортидан келувчи) 4 миллион доллар. Бундан ташқари, унинг турли шаҳарларда дўконлари, Испания ва АҚШ да мулки мавжуд. Иккинчиси Сабониснинг ҳамкасби Шарукос Марчюлёнис. Унинг бир йиллик сармояси 2,4 миллионни ташкил этади.

ИККИ ҚАРИЧЛИ ФИЛ

«Филдай улкан ва кучли» дейишади кўпинча. Лекин бу эътироф ҳамиша тўғри бўлавермас экан. Африканинг қоқ киндигида пигмей-филлар яшашади. Кўриниши оддий филдан заррача фарқ қилмайди. Бироқ бўйи бор-йўғи 40 сантиметр, холос. Уларнинг пишқиришини чигирткани чириллашига менгзаса бўлар-ов.

ана шунақа гаплар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси, иқтисодий назария кафедраси катта ўқитувчи Жовдат Сагдуллаевга онаси

Ҳадича ОДИЛХЎЖАЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6